O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 14 февраль, шанба • № 13 (10.996) • Эркин нархда сотилади

1998 йил — Оила йили

ОТАЛАР СЎЗИ — АҚЛНИНГ КЎЗИ

ҲАЛОЛЛИК, фидойилик — инсон умрининг безаги, саломатлик тиргагидир. Ёши бир жойга бориб қолган бўлишига қарамасдан, ўзларини тийрак, бардам-бақувват ҳис этишлари, гап-сўзларининг маънодорлиги шундандир, бундай одамларнинг етти ўлчаб, бир кесиб, айтган гаплари сизни ўйлантириб қўяди, мушоҳада қилишга ундайди. Бундай суҳбатдош мўйсафиднинг ҳаёт йўли, умр мазмунидан ўзингга керакли ижобий жавобни топгандек бўлиб, қувониб кетасан. Зангиота туманида истиқомат қилувчи 95 баҳорни қаршилаш арафасида турган Исмоил ота Зиёев ҳақида ҳам шундай фикрлар айтиш мумкин.

— Отахоннинг ҳар бир сўзи — ақлнинг кўзидир, — дейишади мулоқотда бўлган каттаю-кичик.

СУРАТДА: Исмоил ота Зиёев зурриётлари даврасида.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) сурат-лавҳаси.

ХОНАДОННИНГ БЎЛАЖАК БЕКАЛАРИ

Айни кунларда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида "Энг ибратли келинчак" кўрик-танлови давом этмоқда. Кеча Оҳангарон туманида ёш келинчаклар ўзларининг зукколиклари, маҳоратлари ва чинакам уй бекаси эканликларини намойиш этишди.

Ҳакамлар ҳайъати биринчи ўринга "Озодлик" фуқаролар йиғининининг дилбар келини Юлдуз Сайдаҳмедовани муносиб деб топишди. Иккинчи ўрин "Қорахитой" қишлоғидан Раъно Ўразовага насиб этди. Учинчи ўринга эса Телов, Қурама, Дўстлик фуқаролар йиғинларидан қатнашган Ойниса Эргашева, Шоҳида Рисқиева ва Клара Алтаевалар сазовор бўлдилар. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

ИСЛОМ КАРИМОВ УКРАИНАГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучманинг таклифига биноан шу йил 18-20 февраль кунлари расмий ташриф билан Украинада бўлади.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

АЛЛОМА ЮБИЛЕЙИГА ҲОЗИРЛИК

Шу кунларда мамлакатимизда буюк ватандошимиз, Шарқнинг улуғ алломаси Аҳмад Ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Аллома таваллудини нишонлаш ЮНЕСКОнинг 1998 йилдаги тадбирлари режасига киритилганлигиёқ унинг дунё маданиятига, фанига қанчалик катта ҳисса қўшганлигини кўрсатиб турипти.

Тошкент вилоятида ҳам Аҳмад Ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш юзасидан қизғин ишлар олиб борилмоқда. Юбилейни ўтказиш юзасидан вилоят ҳокимининг махсус қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ вилоят ҳокимлигининг маданият ишлари бошқармаси, республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, республика ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимлари ҳамкорликда кенг кўламли тадбирлар ишлаб чиқмоқдалар. Хусусан, 1998 йилнинг сентябрь ойида вилоят Давлат педагогика олийгоҳи ва Тошкент Давлат аграр университетида "Аҳмад Ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни" мавзуида илмий конференция ва тантанали байрам кечалари ўтказилади.

Бундан ташқари, аллома таваллуди муносабати билан вилоят худудидаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда мактабларда Аҳмад Ал-Фарғоний ўқувлари ташкил этилмоқда. Юбилей муносабати билан ташкил этилган аллома меросининг моҳияти ва бугунги кундаги аҳамиятини очиб берувчи энг яхши илмий-бадиий, тасвирий санъат, публицистик мусиқа асарлари ва кўрсатувлар танловини вилоят худудида уюштириш ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Аҳмад Ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вилоят ташкилий қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тадбирларнинг кўлами кенг. Энг муҳими уларнинг барчаси у қолдирган бой меросни халқимизга етказиш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган.

Набруз

ҚЎМИТА ФАОЛ

Гарчи қиш қишлигини қилаётган бўлса ҳам жойларда Наврўзи оламга тайёргарлик қизиб кетди. Яқинда Зангиота тумани ҳокимлигида ўтган йиғилишда бу ишларнинг бориши чуқур таҳлил қилиниб, уни янада кучайтириш тадбирлари белгиланди.

Тузилган ташкилий қўмита аъзолари қишлоқларда иш бошлаб юбордилар. Шанба ва якшанба кунлари умумхалқ ҳашарлари ўтказилиб, кўча ва хиёбонлар тозаланмоқда. Кун илиши билан ўтқазиладиган дарахт ва гул кўчатлари тайёрлаб қўйилди. Тозалик ва ободонлаштириш ишлари Наврўз байрами кунигача давом этади. Шанбаликлардан тушадиган маблағ эса хайрия ишларига сарфланади. Туман маданият ишлари бўлими ўз байрам дастурини тайёрлашга киришди. Ўша куни сайилгоҳ ва томошагоҳларда ўз санъатини намойиш этадиган "Ҳосил" дастаси, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, спорт мактаби талабалари ҳам тантаналарда фаол иштирок этадилар.

Раҳим ҚОДИРОВ.

Ташаббус издошлари

ҚИШЛОҚ ОБОД БЎЛСА, ЮРТ РАВНАҚ ТОПАДИ

Қишлоқда инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ислоҳотларни амалга оширишнинг туб таркибий қисмидир. Республикамиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида ана шунга алоҳида урғу бериб, қишлоқни ривожлантириш, ижтимоий дастурларни амалга ошириш долзарб вазифа, бу муҳим муаммо доим диққат марказимизда туриши шарт деб таъкидладилар. Орадан кўп ўтмай вилоятимиздаги бир қатор саноат корхоналари, бўлим ва бошқармалар қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилашга амалий ёрдам бериш ташаббуси билан чиқдилар. Бу ташаббус кенг ёйилди. Янги-янги корхона ва бошқармаларнинг жамоалари қишлоқларни юксалтириш, аҳолини ичимлик суви ва газ билан таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшишга тайёр эканликларини билдирмоқдалар. Қуйида ана шу хайрли ишга бош қўшган жамоаларнинг вакилларига сўз берамиз.

ЕЛКАДОШМИЗ

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш борасида "Вилоятсавдо" ҳиссадорлик компаниясининг ўрни ва аҳамияти қандай бўлади? Куни кеча биз ҳиссадорлик компанияси йиғилишида ана шу масалани ҳам муҳокама қилдик ва дастуримизни белгиладик. Оққўрғон туманидаги "Оққўрғон" ширкатлар бирлашмаси бошқаруви бу ишда биздан ўзларига ёрдам беришимизни сўраб, мурожаат қилган эди. Кейинги йилларда бу ерда кўпгина уй-жой бинолари қурилди, замонавий умумтаълим мактаблари, қишлоқ тиббиёт муассасалари барпо этилди. Саноат қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётига чуқур кириб бормоқда. Гиламчилик, ёғ ишлаб чиқариш, ускуналар цехлари, бир неча тегирмон, ғишт заводи, сутни қайта ишлаш корхонаси, қурилиш-дурадгорлик устахонаси дала меҳнаткашларига хизмат кўрсатмоқда. Бирлашманинг қишлоқнинг ривожланган инфратузилмасини барпо этиш режасида, шунингдек, ғўзапоядан пресслангган қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхона, консерва цехи ва бошқа бир қанча устахона ва кичик корхоналар барпо этиш вазифаси ҳам кўзда тутилган.

Ҳиссадорлик компаниямиз бошқаруви қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва юқоридаги режаларни амалга оширишда "Оққўрғон" ширкатлар бирлашмаси жамоасига яқиндан ёрдам кўрсатиш лозим, деган қарорга келди. Президентимиз ўз нутқларида "Биз ҳаммамиз риоя қилишимиз лозим бўлган оддий ҳақиқат бор. Қишлоқда ривожланган инфратузилмани барпо этсаккина, қишлоқ хўжалигида кескин ўзгаришлар юз бериши мумкин", деб алоҳида таъкидладилар. Биз бу сўзларга жавобимизни "оққўрғон"ликларга яқиндан ёрдам кўрсатишдан иборат деб биламиз. Бошқача айтганда, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва газ билан таъминлаш дастурини изчил амалга оширишда маблағ билан ёрдам кўрсатамиз. Тўғри, холисанилло бериладиган бу ёрдам ўзаро шартнома асосида томонларнинг манфаатдорлигини таъминлаган ҳолда кўрсатилади. Жамоа хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилади. Ана шунда ҳиссадорлик компаниямиз билан ширкатлар бирлашмаси ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар бир-биримизга зиён эмас, аксинча, фойда келтирадиган бўлади.

Ғайрат ТУРСУНОВ, "Вилоятсавдо" очиқ турдаги ҳиссадорлик компанияси раҳбари.

ТЎРТОВЛОН ТУГАЛ ТУРСАК...

Ҳозир ишлаб чиқариши қишлоқ хўжалиги билан боғланмаган бирорта корхона бўлмаса керак. Бизнинг "Лаззат" қандолатчилик фабрикамиз ҳам бундан мустасно эмас. Корхонамизга зарур бўлган хом ашёни асосан туманимиздаги жамоа хўжаликлари етказиб берадилар. Шу сабабли тез-тез қишлоқларга бориб, боғбон ва соҳибкорлар билан мулоқотда бўлишга, уларнинг турмуш тарзи билан танишишга тўғри келади. Кейинги йилларда Янгийўл туманидаги қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгарди, янги уй-жойлар, мактаблар, ижтимоий бинолар қурилди, хом ашёни қайта ишлайдиган ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхона ва цехлар барпо этилди. Аммо шу билан бирга аҳолиси сув билан таъминланмаган, ҳали ҳам ғўзапоя ва ўтин ёқиб қозон осаётган қишлоқлар йўқ эмас.

Вилоятимиздаги бир қатор саноат корхоналарининг қишлоқлардга амалий ёрдам кўрсатиш ташаббуси билан чиққани яхши бўлди. Табиийки, бизнинг корхонамиз ҳам бу хайрли ишдан четда қолгани йўқ. Биз шаҳримиздаги "Янгийўл ёғ-мой", "Биокимё" ҳиссадорлик жамиятлари ва "Янгийўлмебель" корхонаси раҳбарлари билан ўзаро маслаҳатлашиб, қишлоққа газ ва тоза ичимлик суви олиб келишга муҳтож бўлган тумандаги Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалиги бошқарувига қўлдан келганча ёрдам кўрсатишга келишиб олдик. Хўш, бу ёрдам қандай тарзда бўлади?

Ҳар бир корхона ўз ички имкониятларини ҳисобга олиб, хўжаликка қувур сотиб олиш учун маблағ ўтказади. Биз корхонамиз берадиган маблағ хўжалик ҳудудига газ қувурлари ётқизиш ва хонадонларни газлаштиришга сарфланишидан мамнунмиз. Хўжалик ҳам четда қолмаяпти. Улар корхонамиз ишлаб чиқаришини мева, жамоани картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашни ўз зиммаларига олмоқдалар. Қишлоқ ҳозир қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезаётган экан, уларга ёрдам беришни шу тарзда ташкил этишдан иккала томон ҳам манфаат кўришига аминман.

Хурсандали АЗИМОВ, Янгийўл шаҳридаги "Лаззат" ҳиссадорлик жамияти раҳбари.

"ТАСВИРИЙ ОЙИНА"НИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

Пойтахтимиз шоҳкўчаларида, хиёбон ва сайилгоҳларида миллий руҳ ва услубда тайёрланган ўзига хос суратли тасвирларни кўрган ҳамюртларимиз беҳад мамнун бўлмоқдалар. Булар республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси меҳнатининг илк маҳсулидир.

МУСТАҚИЛЛИК йилларида эришилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий ютуқларимизни оммага таъсирчан ва жозибадор шаклларда етказиш, халқимизнинг чинакам бунёдкорлик ишларини, одамлар онгидаги, руҳиятидаги ўзгаришларни тасвирий намоён этиш, замондошларимиз сиймосини ёркин акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этиш ҳам халқимизни, айниқса, ёшларни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, маънавий қадриятларимизни тиклашда катта аҳамиятга эга.

Айниқса, уюшма ташаббуси билан тайёрланган бундай руҳдаги шиорлар, плакат ва панноларнинг ҳар хил тижорат ва пул ишлаш мақсадида ўрнатилган, сигарета, ичимликлар ва бошқа маҳсулотлар акс эттирилган рекламаларнинг ўрнини эгаллай бошлаганлиги қувонарлидир.

Яқинда "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими ҳам ишга киришди. Бўлимни ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги вилоят ҳокимининг қарори уюшма фаолиятининг ривожланишида катта мадад бўлади, албатта. Ижодий уюшма ишини ташкил этишга ва ривожлантиришга республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий жамғармаси вилоят бўлимлари ва бошқа жамоатчи ташкилотларнинг жалб этилганлиги ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ўйлаймизки, пойтахт шоҳкўчалари ва сайилгоҳларини безаётган миллий руҳдаги тасвирлар ва кўргазмалар тез орада вилоятимиз шаҳар ва туманларида ҳам ўз аксини топади.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

МАЪЛУМКИ, корхона, ташкилот, хўжалик ва бошқа муассаса ҳамда идораларда ўтказиладиган текширувларни тартибга солиш мақсадида республика Президентининг 1996 йил август ойида "Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди.

Республикада ва барча вилоятларда ушбу фармоннинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида мувофиқлаштирувчи ишчи комиссиялари ташкил этилди.

Куни кеча Тошкент вилояти ишчи комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни ушбу комиссия раиси, вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Ҳусниддин Ҳошимов бошқарди.

Йиғилишда комиссиянинг 1997 йилдаги фаолияти таҳлил этилар экан, кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан жойларда ҳамон республика Президентининг "Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонининг бажарилишида камчиликларга йўл қўйилаётганлиги таъкидланди. Хусусан, 1997 йилда назорат қилувчи органлар томонидан мувофиқлаштирувчи кенгашнинг рухсатисиз режалаштирилмаган 385 та турли текширувлар ўтказилган. Айрим идоралар томонидан эса белгиланган текширувлар режаси бажарилмаган.

Мажлисда 1998 йилда бундай камчиликларнинг олдини олиш ва ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштирилган ҳолда ташкил этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ишчи комиссиянинг 1998 йилги иш режаси тасдиқланди. Текширувларни тартибга солиш юзасидан ишлаб чиққан тавсиялари маъқулланди.

Ишчи комиссияси йиғилишида вилоят ҳокими муовини, вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Ҳосилов сўзга чиқди.

Чигит экишга шаймисиз?

МАВСУМ ТАРАДДУДИ

Баҳор эшик қоқиб келадиган кунларга ҳам оз вақт қолди. Эрта-индин деҳқонлар барака уруғини экишга киришадилар. Бунинг учун далалар ва экиш техникаси мавсумга ҳозирлаб қўйилганми? Бу йил вилоятимизда чигит экиладиган 108 минг гектар майдоннинг 34 минг гектарига уруғни плёнка остига қадаш режалаштирилган. Бунга зарур бўладиган сеялкалар ва плёнкалар тайёрми? Деҳқонлар янги техникани ишлатишни ва янги усулни ўзлаштириб олдиларми? Куни кеча Оққўрғон туманидаги "Султонобод" жамоа хўжалигида бўлиб ўтган вилоят кенгаш-семинарида ана шу масалалар атрофлича таҳлил қилинди.

Семинарда вилоятдаги пахта етиштириладиган туманларнинг ҳокимлари, уларнинг биринчи муовинлари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг бошлиқлари, мутахассислари, туманлардаги кимё-таъминот идоралари, машина трактор саройлари ва пахтакор хўжаликларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгаш-семинарни вилоят ҳокимининг биринчи муовини, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Уммат Мирзақулов олиб борди. Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Ислом Бобожонов маъруза қилди. Семинарда андижонлик бир гуруҳ мутахассислар плёнка остига чигит экиш ва пахта етиштириш бўйича тажриба ва янгиликларни сўзлаб бердилар. Янгийўл туманидаги Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалиги раиси Миробид Мирбобоев, Юқоричирчиқ туманидаги "Гулистон" корпорацияси бригада бошлиғи Шоир Ҳамидов ва бошқалар ўз хўжаликлари мисолида ўтган йили плёнка остига чигит экиш ва ғўза ўстиришда эришилган муваффақиятлар, дастлабки тажрибалар, шунингдек, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳақида гапирдилар. Мутахассислар семинар қатнашчиларига плёнка остига чигит экадиган бир неча сеялкаларни ва техниканинг бошқа турларини ишлатиш йўлларини амалда кўрсатиб, зарур тавсиялар бердилар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTOB PALATASI

Ислоҳот одимлари

УЙЛАР ЧАРОҒОНЛИГИДА ҲИССАМИЗ БОР

Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати жамоаси электр лампалари ишлаб чиқаришни асрнинг охирги йилида 40 миллионтага етказиш бўйича белгиланган режани муваффақиятли бажармоқда

Комбинат мамлакатимизда электр лампалари ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. Унинг жамоаси республикамизнинг бундай маҳсулотга нисбатан талабини тўла қондиришга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар қўламини йил сайин кенгайтирмоқда. Электр лампалари ишлаб чиқариш қувватларини ошираяпти. Комбинат бош директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Бахтиёр Тожиевич НУРМАТОВ билан суҳбатимиз ҳам жамоанинг бу муҳим маҳсулот турини тайёрлашни йўлга қўйиши ва кўпайтириши хусусида бўлди.

— Иттифоқ мавжуд бўлган вақтда корхонада электр лампалари ишлаб чиқарилмасди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин жамоа қўлидан чиқаётган маҳсулотлар қаторидан у ҳам ўрин олди. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Қизил империя вақтида электр лампалари юртимизга қатор иттифоқдош республикалардан келтириларди ва шу йўл билан эҳтиёж қондириларди. Собиқ иттифоқ парчаланиб, унинг заминида мустақил мамлакатларнинг пайдо бўлиши оқибатида иқтисодий алоқалар барбод бўлди. Мамлакатимизга четдан келадиган бошқа кўпгина саноат маҳсулотлари қатори электр лампалари ҳам кескин камайиб кетди. Бунинг устига уларни олиб келиш жуда қимматга тушадиган бўлиб қолди. Бунинг учун валюта керак эди. Шундай вазиятда комбинатимиз мутахассислари электр лампаларини корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятларини қидира бошладилар.

Бунинг учун энг муҳим материал вольфрам ва молибден симлари етарли эди, уларни ўзимиз чиқариб, ҳатто кўп қисмини ўша вақтдаги қардош республикаларга жўнатиб турардик. У бошқа мақсадлар қатори электр лампалари ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланиларди. Шуни ҳисобга олиб, жуда зарур бўлган бундай ёритиш манбаларини бевосита комбинатда тайёрлашни уюштиришга киришдик. Бунинг учун аввало, технологик линиялар керак эди. Уларни ташкил этувчи асбоб-ускуналар эса Қирғизистондаги "Электротехника" ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариларди. Шу корхона маъмурияти илтимосимизни бажаришга тайёр эканлигини билдирди. Шундан сўнг дарҳол ишлаб чиқариш майдони барпо этилиб, автоматлашган асбоб-ускуналар бирин-кетин келтирилиб ўрнатила бошланди.

— Ҳаммаси бўлиб нечта технологик линия ўрнатилди, ҳозир уларнинг ҳаммаси ишлаб турипмими?

— Ҳаммаси бўлиб ўнта технологик линия фойдаланишга топширилди. Албатта, улар бир вақтда эмас, навбати билан ўрнатилди. Ҳозирги вақтда тўққизта линияда электр лампалари йиғилмоқда. Биттаси ўқув линияси деб юритилади. Унда ишга янги қабул қилинган кишилар мураккаб ва масъулиятли касбнинг сир-асрорларини обдон ўрганадилар. Етарли малака ва кўникма олганларидан кейингина имтиҳондан ўтказилиб, ишга қўйилади.

— Корхонада электр лампалари ишлаб чиқариш ортиб бораётганлиги ва уларнинг неча тури тайёрланаётганлиги тўғрисида қисқача тўхталсангиз.

— Жамоамиз серталаб бу маҳсулотни ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтириб боряпти. Ҳар йили ўсишга эришилмоқда. Мақсадимиз келгусида ҳар йили қирқ миллионта лампочка тайёрлашга муваффақ бўлиш. Шундагина республикамизнинг унга бўлган талабини тўла қондирамиз. Аниқ ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқда.

Кейинги икки йилдаёқ лампа ишлаб чиқариш икки баравардан зиёд ортди. 1996 йилда 7 миллион 800 мингтадан кўпроқ шундай маҳсулотни истеъмол бозорига чиқардик. Ўтган йили эса бу соҳада юксалишга эришилди. Мавжуд асбоб-ускуналардан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига тайёрланган электр лампалари сони 16 миллион 225 мингтани ташкил этди. Ёки ўсиш суръатлари 206 фоизга етди. Жорий йилда буюртмачиларга етказиб бериладиган маҳсулот ҳажмини янада кўпайтириш назарда тутилган. Ҳозирча 25 миллионлик маррани эгаллаш ниятимиз бор. Ҳар ҳолда бундан ошиқ бўлса ошиқ бўладики, лекин кам бўлмайди. Январда 1 миллион 700 мингта лампа тайёрладик. Демак, марра биринчи ойданоқ муваффақиятли эгалланмоқда.

Маҳсулот турига келганда шуни айтиш керакки, ҳозирча лампочканинг фақат бир хили — 100 ваттлиси тайёрланмоқда. Мавжуд технологик линиялар шунга мослашган. Республикамизга бошқа кучланишли лампаларни четдан олиб келаяпмиз. Биз бундай маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган вольфрам ва молибден симларини спирал ҳолига келтириб, қатор яқин чет эл мамлакатларига юбораяпмиз. Бу соҳада Россия, Украина, Белоруссиядаги ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Биз уларга сим етказиб берамиз ва унинг эвазига улардан турли кучланишдаги лампаларни олиб турибмиз. Мамлакатимизни шу йўл билан 25, 40, 60, 75 ваттли лампалар билан таъминлаб турибмиз. Бундан ташқари симобли, люминция ва бошқа шу каби ёритгичларни ҳам олмоқдамиз. Уларни "Шуъла" савдо уйи орқали сотаяпмиз. Бу дўконда жамоамиз ишлаб чиқараётган бошқа кенг истеъмол буюмлари ҳам қўйилган ва уларни истаган миқдорда харид қилиш мумкин.

Бутловчи материалларнинг анчагина қисмини ҳамон четдан келтиришга мажбур бўлаяпмиз. Лекин секинлик билан бўлса ҳам уни камайтиришга эришаяпмиз. Лампочканинг энг асосий қисми — спиралини ўзимиз ясаяпмиз. Унинг ушлагичларини ҳам тайёрлаш ўзлаштирилди. Электр лампасини патронга бириктириладиган металл қисмига елимлаш ҳам ўзимизда йўлга қўйилди. Бунинг учун зарур бўладиган мармар кукунини тайёрлай бошладик. Шу мақсадда Самарқанд вилоятидаги Ингичка конида махсус участка ташкил этдик. Бу ерда зарур асбоб-ускуналар ишга туширилди. Бу бошқаларга қарамликка барҳам берди ва муайян даражада таннархнинг арзонлашишига олиб келди.

— Йигирманчи асрнинг охирги йилида электр лампалари ишлаб чиқаришни 40 миллионтага етказиш учун қандай ташкилий-техникавий чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда?

— Бунга мавжуд технологик линиялардан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига эришиш режалаштирилган. Аввало, ҳамма асбоб-ускуналар тўла икки сменада ишлашга ўтказилади. Ҳозирча уларнинг айримлари фақат бир сменада ишлатиляпти. Чунки, уларни созлаш тўлалигича ниҳоясига етгани йўқ. Бунинг учун йиллар керак бўлади. Маълум вақтгача чекланган вақт мобайнида фойдаланилади. Шу давда уларнинг ҳаракатланувчи ва ишқаланадиган қисмлари силлиқлашади ҳамда бир-бирига мослашади. Шундан кейингина уларни тўла қувват билан ишлатиш мумкин бўлади. Агар барча мавжуд линиялар ва автоматлашган асбоб-ускуналар энг катта тезликда ҳар куни тўла қувват билан икки сменада фойдаланилса белгиланган юксак маррага эришилади. Биз ишлаб чиқарган электр лампалари мустақил республикамиз фуқароларининг фаровонлигига, хонадонлари тунлари чароғон бўлишига хизмат қилишини ҳис этиш сўзимиз ва ишимиз бир бўлишини тақозо этади.

Суҳбатни Мирсобир МИРҲАМИДОВ ёзиб олди.

Хут кирди. Эрта-индин ўлкамизда баҳор жилваланади. Ҳозирданоқ деҳқоннинг қалби қадрдон даласига талпиняпти. Ариқ-зовурларни тозалаб, пайкалларнинг бошига ўғит чиқариб тўкмоқда. Механизаторлар эса эрта тонгданоқ устахонага келиб, ўзлари ишлайдиган тракторларни, чигит экадиган сеялкаларни таъмирлаб, кам-кўстларини тўлдириб қўймоқдалар. Негаки, баҳор эшик қоқиб, ерга уруғ ташланадиган дамлар яқинлашиб келмоқда.

СУРАТДА: Чиноз туманидаги "Йўлтушган" жамоа хўжалигининг марказий устахонаси чилангари Умид Олимов иш устида.

Тўлқин КАРИМОВ олган сурат.

БУНИ ҲАММА БИЛИШИ КЕРАК

Ҳуқуқий сабоқлар

ИНСТИТУТИМИЗ қошидаги инсон ҳуқуқлари бўйича марказга келган кишилар орасида тадбиркорликка оид қонун ва қарорларни бузганлиги учун қўлланиладиган баъзи бир чоралар ҳақида сўраб келувчилар ҳам учрайди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда фаолият юргизаётган тадбиркорлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексини яхши билишлари керак. Масалан, тадбиркор белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан, даромад топиш ёки воситачилик фаолияти билан шуғулланса, бу ҳолат бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Рўйхатдан ўтмаган тадбиркор, бир марта маъмурий жазо олган, лекин, ундан хулоса чиқармаган тақдирда уч йилгача муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиниб, энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача миқдорда жарима тўлайди. Ёки икки йилгача аҳлоқ тузатиш ишларига жалб этилади. Ё бўлмаса, мол-мулки мусодара қилиниб, олти ойга қамалади.

Рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, аслида фойда топишга киришган бир гуруҳ шахслар тил бириктириб, бир ишни амалга оширган тақдирда уч йилгача тадбиркорликдан маҳрум қилиниб, энг кам иш ҳақининг 50 баробаридан 100 баробаригача жарима тўлашга мажбурлар. Ёки мол-мулклари мусодара қилиниб, уч йилгача озодликдан маҳрум этиладилар. Ана шу ҳаракатлар ҳаддан ташқари кўп фойда орттиришни кўзлаган бўлса, шахснинг мол-мулки мусодара қилиниб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум этилади.

Бундан ташқари, қонунда сохта тадбиркорлик учун ҳам жазо белгиланган. Жиноят Кодексининг 179-моддасига кўра тадбиркорлик Низомидаги фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан судалар, кредитлар олинса, солиқлардан озод қилиш, солиқларни камайтириш, мулкий манфаат кўришни ўйлаб, корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузилиши энг кам ойликнинг 50 баравардан 100 бараваригача миқдорда жарима тўлашга олиб келади. Ёки беш йилгача муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ёҳуд уч йил аҳлоқ тузатиш ишларига жалб этиш жазоси қўлланилади. Бундай ҳолатда мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилгача озодликдан маҳрум этилиши ҳам мумкин.

Айни пайтда касодга учраган тадбиркор ўзини яширмаслиги, кредиторлар манфаатига зарар етказмаслиги лозим. Акс ҳолда Жиноят Кодексининг 181-моддасига мувофиқ ҳисобларни бузиб кўрсатганлиги учун энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача жарима тўлайди. Ё бўлмаса, беш йил тадбиркорликдан маҳрум этилиб, уч йил аҳлоқ тузатиш ишларига тортилади. Жиноят мазмунига кўра мол-мулки мусодара қилиниши, беш йил озодликдан маҳрум этилиши ҳам мумкин.

Сохта касодга учраш, ҳужжатларни қалбакилаштириш, фойдаланмаган харажатларни ишлаб чиқариш ҳисобига қўшиб, ҳисобдан ўтказиш, корхонада ишламайдиган, лекин, ҳисобда турадиганларга ҳақ ёзиш, ҳужжатларни йўқ қилиш, савдо жойларида тегишли ҳужжатларда қайд қилинмаган маҳсулотлар бўлишига йўл қўйиш, даромад декларацияларини тақдим этмаслик ҳам жиноий жавобгарликка олиб келади.

Тадбиркор солиқ мажбуриятларидан ташқари, кредит мажбуриятларини бузган ҳолатларда ҳам қонунларда белгиланганидек жавобгар бўлади. Хусусан, қарздор томонидан кредитлар муддатида қайтарилмаса, кредитор суд орқали уни ундириб олишга ҳақли.

Қонунда тузилган битимлар бўйича мажбуриятлар бажарилмай қолганда ёки сифатли қилиб бажарилмаганда, бунинг натижасида бошқаларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбурлиги ҳам қайд қилинган. Тадбиркор алоҳида ҳолларда битимдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаганида жавобгарликдан озод бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларга мисол сифатида тасодифий фалокатларни — қурғоқчилик, жала ёғиши, дўл уриши, ер қимирлаши, тошқин, ёнғин ва шунга ўхшаш табиий офатларни кўрсатиш мумкин. Ана шундай вазиятлар содир бўлганда тадбиркор жавобгарликдан озод бўлади.

Меҳнат Кодексининг 187-моддасида ходимга тўланиши лозим бўлган зарар ҳақидаги қоида белгиланган. Жумладан, тадбиркор меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилган ўз ходимига, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, унинг оила аъзоларига етказилган ҳар қандай зарарни, шу жумладан, маънавий зарарни тўлиқ хажмда тўлайди.

Тадбиркор ходимга етказилган моддий зарар билан бирга маънавий зарарни ҳам тўлашга мажбур. Манъавий зарар (жисмоний ёки руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда тўланади. Ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари ўртасида келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланади.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар жавобгарликни белгилашга асос бўлиб хизмат қилади. Меҳнат Кодексининг 189-моддасида қайд қилинишича, ходимнинг меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолларда бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ хажмда тўлашга мажбурдир.

Маҳсулотлар бозорида сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки уни сотиш тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, истеъмолчиларнинг соғлигига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган тақдирда энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима тўланади ёки уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишларига жалб этилади. Ёҳуд мол-мулк мусодара қилиниб, ё мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ жазоси билан жазоланади.

Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш истеъмолчининг ўлимига сабаб бўлса, мол-мулки мусодара қилиниб, тадбиркор беш йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилинади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексида, ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга келтириш, вақтинча эгаллаб турган ерларни фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирмаслик, ер ости бойликларидан фойдаланиш талабларини, сув заҳираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш ҳоллари ҳам жарималар тўлашга олиб келади. Ўрмон бойликларидан нотўғри фойдаланиш, дарахтлар, буталар ва бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда шикастлантириш ёки йўқ қилиш, Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш, ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этмаслик, ифлослантирувчи моддаларни атроф-муҳитга меъёрдан ортиқ даражада ёки рухсатсиз чиқариш, ҳавони муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаганлик туфайли етказилган зарарларга қараб ҳам жарима ундирилади.

Бобоқул ИБРАТОВ,
Тошкент Давлат юридик институти меҳнат ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлар доктори.

ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

КУНИ КЕЧА Қибрай тумани хокимлиги мажлислар залига корхона, хўжалик ва ташкилот раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, фахрийлар, хотин-қизлар қўмитаси ва "Камолот" жамғармаси вакиллари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари тўпландилар.

Вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, ички хизмат генерал майори Равшан Ҳайдаровнинг Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар ҳамда олдинда турган навбатдаги вазифалар ҳақидаги ахбороти тингланди.

Нотиқ Президентимиз И. Каримовнинг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги фармойишидан келиб чиққан холда жойларда амалга оширилаётган ишларнинг аҳволини атрофлича таҳлил этиб бераркан, жамоат тартибини сақлаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш, содир этилган жиноятларни очиш борасида қатор ижобий ишлар қилинганлигига йиғилиш қатнашчиларининг эътиборини қаратди.

Вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи анжуман қатнашчиларининг саволларига атрофлича жавоблар қайтарди.

Шунингдек, йиғилишда туман Ички ишлар бўлимининг бошлиғи Шуҳрат Тўраевнинг ўтган йил якунлари бўйича ҳисоботи ҳам тингланди.

Жиноий ишларни очишдаги алоҳида хизматлари учун туман ички ишлар бўлимига туман хокимлигининг "Тико" енгил автоуловли топширилди.

Йиғилишда Қибрай тумани ҳокими Мирзамашраб Кўччиев сўзга чиқди.

А. ФОЗИЛОВ.

ЧИРЧИҚДАН БОШЛАНДИ

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, айниқса, уларнинг жисмоний бақувват бўлиб етишишларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. 1998 йилдан бошлаб Ёшлар спорт ўйинларининг ҳар йили ўтказиб борилиши бу борадаги яна бир хайрли ишдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республика 1-Ёшлар ўйинларига Чирчиқ шаҳрида старт берилди. Ўтган куни металлургчилар спорт саройида ёшлар ўртасида бокс мусобақалари қизғин бошланиб кетди.

Тошкент вилояти ҳокимининг вилоятда Ўзбекистон Республикаси «1-Ёшлар ўйинларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида вилоят ҳудудида ўтказиладиган республика ёш спортчиларининг мусобақаларига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш, унда вилоят ёшларининг фаол қатнашишларини таъминлаш билан биргаликда шу йилнинг март ойидан бошлаб вилоят ҳудудида Тошкент вилояти 1-Ёшлар спорт ўйинларини ўтказишга қарор қилинганлиги, айниқса, қувончлидир. Бу мусобақаларга сентябрь ойида якун ясалади.

Айни кунларда барча шаҳар ва туманларда ёшлар мусобақаларига тайёргарлик қизғин бормоқда. Айниқса, бунга республика ёшлар мусобақалари ўтказилиши мўлжалланган Чирчиқ шаҳри, Юқоричирчиқ, Бўстонлиқ туманларида катта аҳамият берилмоқда. Ёшлар спорт мусобақаларини ҳар томонлама юксак савияда ўтишини таъминлаш мақсадида бу ишга вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси билан биргаликда вилоят "Камолот" жамғармаси, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш бошқармалари ва барча шаҳар, туман ҳокимликлари кенг жалб этилдилар.

МУАММО ВА ЕЧИМ

ИШСИЗГА — ИШ, ТАДБИРКОРГА — ЁРДАМ

Пскент туманида янги иш жойлари очиш ва ишсизларни иш билан таъминлаш тажрибасидан

Пскент туманида кишилар энг кўп эшик қоқиб келадиган муассаса меҳнат биржаси бўлиб қолди. Бу ерга ишсиз қолганлар ҳам, кичик корхона ёки фирмасига одам ёлламоқчи бўлганлар ҳам, янги корхона ёки цех очмоқчи-ю, аммо қўли қисқалик қилиб қолганлар ҳам тез-тез келиб туришади. Хуллас, биржа ходимлари ўтирган хонадан кун бўйи одам аримайди.

— Кеча бир ўзим ўн тўрт кишини қабул қилибман, — дейди биржа раҳбари муовини Муҳаммаджон Абдуазимов. — Уларнинг илтимосини бажариш учун кўп жойларга қўнғироқ қилишга, ўнлаб корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари билан боғланишга тўғри келди.

Шу пайт унинг гапини қиёфасидан тадбиркорлиги сезилиб турган бир йигит бўлди:

— Йўқлаган экансизлар?

Муҳаммаджон столи устидаги бир даста ҳужжатлар орасидан керакли папкани олди-да, варақлар экан, деди:

— Олган бир миллион сўмлик қарзингизни тўлайдиган муддат яқинлашяпти. Шунга чақиртиргандик. Ана шунақа, ука, олишнинг бериши ҳам бўлади.

— Муддатни яна иккиуч ойга чўздирмоқчи эдим, шунга йўл-йўриқ кўрсатсанглар. Ваъда қилганимдек ўн саккизта иш ўрнини очдим. Аммо кейинги пайтда харажатлар кўпайиб, навбат қарзга келганда қўлим қисқалик қилиб қоляпти.

— Кечиктирмай бўлимга учрацинг, — М. Абдуазимов шундай деди-да, йигит қўшни хонага кириб кетгач тушунтирди. — Нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цех очиш учун биржадан бир миллион сўм олганди. Ҳозир ўзи айтгандай цехни ишга тушириб юборди-ю, аммо иши ҳадеганда юришиб кетмаяпти. Майли, лозим бўлса тўловни кечиктирармиз. Негаки, ўн саккиз ишсизга доимий иш берди, бу осонмас, ахир.

— Меҳнат биржаси маблағ билан қўллаб-қувватлаётган тадбиркорлар кўпми?

— Бор. Аммо кўпчилиги мўлжаллаган ишини қилиб қўйиб, қарзидан ҳам қутулиб оляпти. Мана, "Муроду мақсад" хусусий фирмасини олайлик. 62 та иш ўрнини очиш шарти билан уч миллион сўм қарз олганди. Яхшигина кулолчилик ва чиннига гул солиш цехларини очди. Кўз тегмасин, иши ёмонмас. Биржа қисқа курс очиб ишсиз қолган 70 кишини кулолчиликка ўқитиб берганди. Улар ҳозир шу цехларда ишлашяпти.

Ўтган йили туман меҳнат биржасига мингга яқин киши иш топишга ёрдам беришларини сўраб келганди. Биржа шулардан 437 кишини ишсиз сифатида рўйхатга олиб, 218 нафарини иш билан таъминлади. 127 ишсизга эса янги касб ўрганишлари учун авточилангар, кичик бухгалтер, тикувчи, тўқувчи, пойабзал устаси, сартарош, кулолчилар тайёрлайдиган қисқа курсларга ўқишга йўлланма берди. Улар ўқибгина қолмай, биржа ҳисобидан ҳар ойда стипендия ҳам олиб турибдилар. Улардан 67 киши курсни тугаллаб, диплом олгач, биржа ходимлари яна бош қўшиб, кичик корхона ва фирмаларга ишга жойлаштириб қўйдилар.

— Ана шу ишларнинг ўзига биржа 235 минг сўм маблағ сарфлади, — деб гапида давом этди Муҳаммаджон Абдуазимов. — Агар лозим бўлса бундан ҳам кўпроқ пул сарфлашга розимиз. Ахир гап одамларни иш билан таъминлаш устида бораяпти.

Бозор иқтисодиёти ва ислоҳотлар корхона ва хўжаликларда техника ва технологияни янгилаш ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга иш ўринларини қисқартиришга ҳам олиб келмоқда. Ўтган йили туман қишлоқларида 700 дан ортиқ киши ишсиз қолган эди. Бу йил қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш сабабли ундан ҳам кўпроқ кишининг бўш қолиши кутилаяпти. Уларнинг аксарият қисми деҳқон-фермер ва шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантириш ҳисобига мулкдорлар сафига жалб қилинадилар, албатта. Аммо иш излайдиган кишилар сони ҳам нисбатан кўпаяди. Туман ҳокимлиги ана шуни эътиборга олиб эртароқ тайёргарлик кўришга киришди. Жумладан, ўтган йили туман ҳокимининг қарори билан жойларда 1004 та янги иш ўринлари очилган бўлса, бу йил қишлоққа саноатнинг кенг кўламда кириб бориши, кичик корхоналар ва цехлар очиш, янги деҳқон-фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳисобига бундан ҳам кўпроқ янги иш ўринлари ҳозирлаш тадбирлари белгиланди.

Туманда шу кунларда 250 та деҳқон-фермер хўжаликлари ва 460 та катта-кичик корхоналар иш олиб боряпти. Уларнинг сони кун сайин кўпайиб бораётир. Мулкдорлар меҳнат биржасига ҳисобчилар топишда ёрдам беришни сўраб илтимос қиляптилар.

Меҳнат биржаси мулкдорларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олиб, Пскент шаҳрида ҳисобчилар тайёрлайдиган қисқа муддатли курс очиб, 13 нафар ёшларни ўқишга жалб қилди. Курсда ҳисоб илмининг билимдонлари ва тажрибали мутахассислар уларга ўз касблари сирларини пухта ўргатмоқдалар. Биржа эса ўқиш-ўқитиш ишлари учун лозим бўлган барча сарф-ҳаражатларни ўз зиммасига олган. Талабалар март ойида ўқишни тугаллаб, янги мутахассисликлари бўйича ўзлари учун белгиланган иш жойларига бориб меҳнат қиладилар.

— Меҳнат биржаси фаолиятида янги иш ўринлари очиш ва аҳолини иш билан таъминлаш вазифалари олдиндан режалаштириб олиб борилаётгани кўп жиҳатдан ишимизни анча енгиллаштирмоқда, — дейди Муҳаммаджон Абдуазимов. — Бу йил қишлоқ хўжалигини юритишнинг уч асосий усули — пай, оилавий пудрат ва ширкат шакллари кенг жорий этилади. Булар эса ўз навбатида деҳқон-фермер хўжаликларини ҳам кескин ривожлантиришга олиб келади, тадбиркор ва ишбилармон кишилар сафини кенгайтиради. Демак, маълум бир йўналишдаги ишчи кучлари ва мутахассисларга бўлган талаб ҳам кучаяди. Биз ана шуни ҳисобга олиб бу йил кўпроқ шу соҳада ишлайдиган кишиларни тайёрлаш ва қайта ўқитишга эътибор берамиз.

Ҳа, шундай, қишлоқда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар аҳолини иш билан таъминлашдек хайрли ва савобли хизматни қилаётган меҳнат биржаси ходимлари фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар ясашга олиб келаяпти. Улар бу билан қишлоқда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган кун

ДАВОНААР ОША

Буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур адабий меросини ва унинг қариндош-уруғлари ҳаёти ва фаолиятини янада чуқурроқ ўрганишда улуғ бобокалонимиз номи билан аталувчи халқаро жамғарманинг хизмати катта бўлмоқда. Жамғарманинг Бобур қадамжолари бўйлаб уюштираётган халқаро экспедициялари натижасида буюк аждодларимизнинг хориждаги фаолиятлари тўғрисида кўплаб маълумотлар тўплашга эришилди. Биз жамғарма раиси Зокиржон Машрабовдан ана шу экспедициялар ҳақида сўзлаб беришни сўрадик:

— Халқаро экспедициямиз беш йил мобайнида етти маротаба хорижий сафарда бўлди, — дейди у. — Экспедиция аъзолари Ҳинд океанидан то Қизил Денгизга қадар чўзилган ўн тўрт мамлакат ҳудуди бўйлаб 170 минг километр масофани босиб ўтди. Ана шу сафарлар чоғида Хитой, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон каби мамлакатларда бўлиб, Беруний, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Фурқат каби аждодларимиз қабр ва мақбараларини зиёрат қилдик, уларнинг ҳолатини яхшилашга баҳоли қудрат ҳисса қўшдик.

Ҳиндистонда бўлган вақтимизда Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодларининг шу кунги вакилларини излаб топишга муваффақ бўлдик. Уларнинг айримлари Ўзбекистонга келдилар, улуғ боболари туғилиб ўсган юрт билан танишдилар. Шулардан бири тусийлар оиласидир. Мамлакатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан шу оила вакили Аброр ибн Умар Тошкент техника университетида таҳсил олмоқда. У олий ўқув юртини битиргунга қадар Бобур номидаги жамғарма стипендиясидан баҳраманд бўлади.

Экспедициямиз аъзолари яқинда Бобур таваллудининг 515 йиллигига бағишланган навбатдаги сафардан қайтди. Туркманистон, Эрон, Покистон давлатлари ҳудудидан ўтиб, буюк аждодларимиз Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Абу Райҳон Беруний, Камолиддин Беҳзоднинг, Бобораҳим Машрабнинг қабр ва мақбараларини зиёрат қилдик. Уларни фотосуратга ва видео тасвирларга туширдик. Бобораҳим Машрабнинг ўша вақтда чоп этилган ва Афғонистонда қолиб кетган "Девон"ини, Ҳусайн Бойқаронинг "Девон"ини сотиб олдик.

Тарихдан маълумки, Бобур Мирзо Афғонистоннинг Қобул, Кандахор, Ғазна шаҳарларида кўп маротаба бўлган. Кандахорда ҳатто тоғни ўйиб, қирқта тош зиналик айвон қурдирган. Шоирнинг "Бобурнома" ва "Девон"идаги кўпгина байтлар шу ерда тошга битилган. Битиклар бугунги кунда ҳам ўша вақтдагидек сақланиб қолган. Кандахорда Бобур даврида экилган анор дарахтлари ҳозир ҳам қад ростлаб турибди. Бобур Мирзо ўзи яратган ва меҳр қўйган боғда етилган дунёга машҳур Кандахор аноридан экспедиция аъзолари ҳам татиб кўрди.

Ғазна шаҳрида Бобурнинг укалари Жаҳонгир Мирзо ва Носир Мирзоларнинг қабрларини топиб, зиёрат қилдик. Улар шаҳардаги эски қабристонга дафн этилган экан.

Олдинги сафарларимизнинг бирида қомусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг қабрини аниқлаган эдик. Яқинда унинг қабри тупроғидан келтирилиб, ул зот таваллуд топган ҳозирги Беруний шаҳридаги рамзий қабрига қўйилди. Хиротда Алишер Навоий қабр-мақбарасини тиклаш бўйича шартнома туздик. Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг қабри ҳам топилди. Ҳозир ўзбекистонлик меъморлар унинг бўлажак мақбараси лойиҳасини яратишга киришдилар. Беҳзод юбилейига қадар мақбара тикланиб, зиёратгоҳга айлантирилади.

Эронга борган чоғимизда Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Абу Али ибн Сино, Умар Ҳайём, Фирдавсий каби улуғларнинг мақбараларини зиёрат қилдик. Шу ерда "Эрон ва Бобур" китобининг ўн иккинчи нашридан бир нусхасини олиб келдик. Маҳаллий мутахассисларнинг кўмаги билан Туркияда улуғ мунажжим Улуғбекнинг шогирди Али Қушчининг қабрини топишга муваффақ бўлдик. Ўзбекистонлик олимлар фалакиётшунослик илми тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бу юртдошимизнинг қабри Улуғбек расадхонаси ёнида бўлса эди, дея умид билдирдилар.

Мамлакатимиз ҳукуматининг қарорига кўра бу йил 1200 йиллиги кенг нишонланадиган Аҳмад ал-Фарғоний ҳазратлари абадий қўним топган жойни қидириб, Миср Араб Республикасига бордик. Мақсадимизни эшитиб, Миср илмий маркази, Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси ходимлари, Коҳира университети олимлари ва мутахассислар бу борада ўз ёрдамларини аямади. Натижада бобокалонимиз қабри топилди. Бу ҳақда мисрлик олимлар билан ҳужжат имзоланди. Аҳмад ал-Фарғоний дафн этилган жой тупроғини юртимизга келтирдик. Бу тупроқ юбилей кунлари буюк олим туғилган Фарғона вилояти Қува шаҳрида барпо этиладиган алломанинг рамзий қабрига қўйилади. Мисрда бизни Фарғоний яратган ва Нил дарёси суви ҳажмини ўлчаш учун қурилган ускуна билан ҳам таништирдилар.

Экспедициялар чоғида қўлга киритилган барча ёзма маълумот ва манбаалар, қўлёзма ва китобларни Андижонга Бобур номи билан аталувчи боғнинг "Жаҳон маданияти ва Бобур" музейига жамлаяпмиз.

Жамғармамиз Бобур номидаги мукофотни таъсис этган эди. Бобур Мирзонинг 515 йиллиги нишонланаётган айни кунларда унинг дастлабки соҳиблари аниқланди. Жамғарма раёсати қарорига биноан Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тадқиқ этишдаги катта хизматлари учун бир гуруҳ ижодкорлар ана шу мукофотга сазовор бўлди. Улар орасида Ўзбекистон фанлар академиясининг мухбир аъзоси Сабоҳат Азимжонова, ёзувчилар Пиримқул Қодиров, Ҳайриддин Султон, кўп қисмли "Бобур" видеофильми режиссёри Мақсуд Юнусов ва шу фильмда бош ролни ижро этган Ўзбекистон Халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов бор. Биз мукофот соҳибларининг бундан буёнги хайрли ишларида омад тилаймиз.

ЎзА мухбири Б. МАНСУРОВ ёзиб олди.

ҒАЗАЛЛАР

БОБУР

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,
Кимга бу нашъа муяссар бўлса, бордур давлати.

Ишқ дардини чекиб, ҳар кимки топса васли ёр,
Ул замон бўлғай унут юз йилғи ҳижрон шиддати.

Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,
То билингай ҳар кишининг табъи бирла ҳолати.

Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила
Мундун ортуқ бўлмағай, Бобур, жаҳоннинг ишрати.

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?!
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?!

Мени хор эттию қилди муддайиға парвариш,
Даҳри дунпарварни ўзга муддаоси қолдиму?!

Мени ўлтурди жафою жавр бирла ул қуёш,
Эмди тиргузмоқ учун меҳру вафоси қолдиму?!

Ошиқ ўлғач, кўрдум ўзумни ўзумга, эй рафиқ:
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдиму?!

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб:
Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму?!

Ким кўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?!
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ?!

Бу замонни нафй қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилиғ.

Дилраболардин ямонлиқ келди маҳзун кўнглума,
Келмади жонимға ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ не, яъни ҳар ямондин яхшилиғ.

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Яхшилиқ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна.

Мен худ ул тифли паривашга кўнгул бердим вале
Хонумоним ногаҳон бузулмағай бошдин яна.

Юз ямонлиғ кўруб ондин телба бўлдунг, эй кўнгул,
Яхшилиғни кўз тутарсен ул паривашдин яна.

Тош урар атфол мени, уйида фориғ ул пари,
Телбалардек қичқирурмен ҳар замон тошдин яна.

Оёғим етганча Бобурдек кетар эрдим, нетай,
Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна.

ИККИ ТОМОН МАНФААТДОР

Хўжалигимизда деҳқон-фермерлар уюшмаси аъзолари пахтадан бошқа барча экин турлари бўйича оилавий пудрат асосида иш бошлаганларига уч йил бўлди. Шу давр ичида уюшма анчагина тажриба тўплади.

Дастлаб биз ишни ғаллазорларни пудратчиларга бўлиб беришдан бошладик. Улар оила аъзолари билан астойдил меҳнат қилиб, ўзларига биркитилган майдонларда мўл ҳосил етиштиришди. Ўша — 1995 йилда ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил олинди. Бу тумандаги энг юқори кўрсаткич эди. Кейинги йилларда эса ҳосилдорлик янада ошиб борди. Оилавий пудрат усулининг самарали эканлигини ҳисобга олиб, бошқа экин ерларини ҳам пудратчиларга бўлиб бердик. Мана, энди навбат 571 гектар пахта майдонларига келди. Биз ҳар бир оиланинг ишловчилари сони ва меҳнат лаёқатига қараб 228 нафар пудратчини белгиладик. Экин майдонларининг ҳар гектаридан 26,5 центнердан ҳосил олишни режалаштиряпмиз. Айни кунларда эса оилавий пудрат тизими билан боғлиқ ҳисоб-китоб ишлари олиб бориляпти. Пудратчилар билан шартномалар тузиб, йил якуни бўйича деҳқонлар қандай манфаат кўришлари мумкин эканлиги тушунтирилмоқда ва муҳокамага қўйилиб тасдиқланмоқда.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида соф даромадни оширишнинг бирдан-бир тўғри йўли маҳсулот таннархини камайтиришдир. Оилавий пудратнинг афзал томони ҳам ана шунда. Пудратчи буни яхши билиб, ҳамиша ортиқча ҳаражатларга йўл қўймай ишлашга ҳаракат қилади. Бу борада бошқарув ҳам уларга ёрдам беради, албатта. Бунинг учун ҳозирданоқ маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган ҳаражатлар сарфи ўрганиб чиқилиб, қўлланма сифатида бригадаларга тарқатилди.

Хўжалигимизда ўзаро маслаҳатлашган ҳолда бригада бошлиғи вазифасини ҳам сақлаб қолдик. Буни пудратчиларнинг ўзлари таклиф қилдилар. Негаки, бригада раҳбари пудратчи билан хўжалик бошқаруви ўртасидаги алоқани бажарадиган асосий шахс бўлиб уюшма билан оилавий пудратчи ўртасидаги шартнома бандларининг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиб боради. Шартномалар эса икки томонлама тўла бажарилмоғи лозим.

Хўжалик раҳбарияти ўз зиммасига оилавий пудрат бошлиғига сув, уруғлик, техника, ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари, кимёвий моддалар ва бошқа

Қишлоқ ва ислоҳот

ишлаб чиқариш воситаларини белгиланган меъёр ва муддатда етказиб беришни ўз зиммасига олган. Шунингдек, йил давомида етиштирилган маҳсулот учун бўлак тариқасида иш ҳақи ҳам тўлаб боради, ишлаб чиқаришда, даромад ҳамда ҳаражатларни алоҳида ҳисоб-китоб қилишда бухгалтерия хизматини кўрсатади. Ҳосил йиғиб-териб топшириб бўлингандан сўнг йил якуни бўйича режа бажарилган бўлса маҳсулот учун қуйидаги тартибда ҳақ тўлаш жорий этилади. Жумладан, биз шартнома бўйича пахтадан чиқадиган ёрдамчи маҳсулотлар — пахта ёғи, кунжара ва шелуханинг пудратчига тегишли қисмини белгиланган ҳисоб асосида тақсимлашни шундай режалаштирдик. Айтайлик, бир гектар ердан 2640 килограмм пахта топширилди. Ундан 50 фоиз қисми, яъни 1320 килограмми уюшмага тегишлидир. Шундан 56 фоиз ёки 739 килограмм чигит олинади. Шартли тарзда шунча чигитдан 59 килограмм пахта ёғи чиқади, дейлик. Мойнинг 29,5 килограмми оилавий пудратчиники бўлади. Агар пудратчи 10 гектар майдонда пахта етиштириб, режани бажарса, бир йилда 295 килограмм ёғ олади. Пахта хом ашёси ва толадан олинадиган даромадлар, кунжара ва шелухалар бундан мустасно, албатта.

Оилавий пудратчидан эса асосан ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш талаб қилинади. Шу ўринда бригада бошлиқларининг хизмати катта бўлади. Улар оилавий пудратчилардан шартнома шартларини ўз вақтида бажаришларини талаб қилиш билан бирга ҳар бир тадбирнинг сифатли амалга оширилишини таъминлайдилар.

Оилавий пудратчининг шартнома бўйича олган мажбуриятларида эса деҳқончилик билан боғлиқ барча юмушлар кенг қамраб олинган. У энг аввало мўл ҳосил етиштиришга, пахтанинг асосий қисмини юқори навларга топширишга даъват этилган. Ўз ер майдони атрофидаги суғориш тармоқларини вақтида тозалаши, тут дарахтларини асраши, уватларда бегона ўт тарқалишига йўл қўймаслиги, ер текислаш ишларини вақтида бажариб, экин майдонларини чигит экишга тайёрлаб қўйиши лозим. Чигит экиш ва уни ундириб олиш, ягана, чилпиш, суғориш ишларини ҳам вақтида бажариши шартноманинг асосий бандларидан қилиб белгиланган.

Бу йил хўжаликда ўтган йилдагига нисбатан уч-тўрт баробар кўпроқ майдонда плёнка остига чигит экилади. Оилавий пудратчи мана шу ишни аъло сифатда бажариши, минерал ўғитларни меъёрида сарфлаши, пировардида етиштирилган ҳосилни ўз кучи билан қисқа муддатда йиғиб-териб топшириши ва ерни кечиктирмай шудгорлаб қўйиши лозим. Имзоланган бу шартнома икки томонга ҳам манфаатли, деб ўйлаймиз.

Шу кунларда хўжалигимизда янги ҳосил учун тайёргарлик жадал давом этмоқда. Ариқ ва зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит тўплаш ва уни далага ташиб чиқариш, техникани таъмирлаш тез суръатлар билан олиб бориляпти. Бу йил, албатта, мўл ҳосил етиштиришга эришамиз.

Раҳимжон ҲАКИМЖОНОВ,
Оққўрғон туманидаги Охунбобоев номли деҳқон-фермерлар уюшмаси раиси.

ЎЗЛИГИНГНИ АНГЛА, БИРОДАР,

дейди Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалиги тафтиш комиссиясининг раиси Эргаш Йўлдошев

Баъзида айрим одамлар билан суҳбатлашиб қолганимда, маошнинг баракаси йўқ, қийналиб кетдик, бола-чақани боқиш мушкул бўлаяпти. Қайтага ўша пайтлар яхши эди, деган гапларни эшитганимда дангаса, боқиманда, жонини қойитмасдан бир кишининг топганини еб ётишга ўрганиб қолган, эски онг ва кайфиятдаги одамлар ёдимга тушади.

Шукурким, мустақиллик туфайли бундайларнинг пайи қирқилди. Энди ундай одамлар камайди, десам ҳам бўлади. Ҳар бир деҳқон астойдил меҳнат қилса нони бутун, ошиғи олчи бўлишини тушуниб етди. Чунки бунинг учун Ўзбекистонда ҳамма шарт-шароит яратилмоқда. Буни бир-гина бизнинг хўжалигимиз мисолида яққол кўрса бўлади.

Аввалдан пудрат усулида ишлаб келганмиз. Янги бошқарувимизнинг хизмати, ёрдами туфайли пудратнинг афзаллиги янада ортди. Ички ислоҳотлар деҳқоннинг меҳнатига, ундан кўрадиган манфаатига умидини ва ихлосини яна ҳам кучайтирди. Пудратчи билан хўжалик ўртасидаги шартноманинг моҳияти лўнда қилиб белгилаб қўйилди. Ҳар бир пудратчига у етиштирадиган маҳсулотининг 20 фоизи, сўзсиз, меҳнат ҳақи қилиб берилади. Мисол учун, бир пудратчи деҳқон режасини 150-200 фоиз қилиб бажарди ва 100 тонна ўрнига 200-250 тонна ҳосил олди, дейлик. Демак, шартномага биноан ана шу ҳосилнинг 40-50 тоннасидан тушадиган пул-даромад унинг ўзиники. Хоҳласа келишилган нархда хўжаликка ўтказади, хоҳласа бозорга олиб бориб сотади. Аксинча, дангасалик қилиб режани бажармаса, бор-йўғи, масалан, 70-80 тонна маҳсулот етиштирса унинг атиги 15-16 тоннасидан тушадиган пулга эга бўлади, холос. Фарқ ер билан осмончами? Табиийки, ҳеч ким мўмай даромаддан қуруқ қолишни истамайди. Ор-номуси бунга йўл қўймайди. У хўжалик томонидан яратиб берилаётган имкониятдан оқилона фойдаланиб, ҳар бир қарич ҳосилни ва олтинга тенг бўлган ердан ниҳоятда унумли фойдаланишга, икки-уч ҳисса ҳосил олишга ҳаракат қилади. Чунки бизда ўзи ер кам, деҳқондан, пудратчидан ер бўшармикин, мен ҳам бир кучимни кўрсатиб ишлаб, даромад қилай, деб кўз тикиб турганлар кўп. Буни ерга соҳиблик қилаётган деҳқон яхши билади. Шунинг учун ҳам у ерни ўз мулки каби қадрлайди, авайлайди.

Хўжаликка Комилжон Каримов янги раис бўлиб келгач, имкониятлар кўлами яна ҳам кенгайди. Қандай қилиб дейсизми? Биринчидан, бригадирнинг обрўси кўтарилди. Ғап шундаки, илгари деҳқон бирор юмуши, арзи бўлса даладаги ишини ташлаб, раиснинг олдига чиқиб, унга учрашиб, ишини битиришга ҳаракат қиларди. Йўқ, энди бўлмайди. Деҳқон неки иши, арзи бўлса, энг аввало бригадирга учрашиб, ўша орқали ишини битиради. Мабодо битмай қолса кейин...

Бригадир, албатта, ўзининг қадрини билади. Шунинг учун ҳам иложи борича деҳқонга қайишади. Иккинчидан: сир эмас, энг кўп даромад иссиқхонадан келади. Лекин аввалари иссиқхона маҳсулотининг тасарруф қилинишида бир қадар тартибсизлик ҳукм сурарди. Хоҳлаган одам иссиқхона бошлиғидан рухсат олиб, машинаси билан кириб, маҳсулот олиб чиқиб кетаверарди. Эндиликда бундай ҳатти-ҳаракатларга қатъиян чек қўйилди. Янги тартибқоидага биноан ҳатто раиснинг ҳам машинаси ичкарига қўйилмайди. Кимга қанча маҳсулот керак бўлса, бухгалтерияга учрашиб, пулини тўлайди ва олади.

Дилдаги гаплар

Ана шу тартибнинг жорий этилиши кўп ўтмай ўзининг ижобий натижасини бера бошлади. Иссиқхона маҳсулотига ҳам, даромадига ҳам барака кирди.

Даромад эса хўжалик бўйича олганимизда ҳам анча салмоқли бўлиб боряпти. 1997 йил 84 миллион 359 минг сўм даромад қилинди. Соф фойда эса 13 миллион 823 минг сўмни ташкил этди. Умумий даромаднинг салкам 60 фоизини иссиқхона берди, қолгани узумчиликдан, боғдорчиликдан, очиқ ердан олинди.

Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида хўжалигимизда мўмай даромад олиб бойиб бораётганлар кўпаяётганлиги алоҳида ҳурсандчилик билан қайд этилди. Масалан, иссиқхонада ишлайдиган Мухтабар Зияева 214 минг 296 сўм, Ҳожиниса Ҳошимова 233 минг 812 сўм, Зуҳриддин Каримбоев 222 минг сўм даромад қилибди. Бошқа тармоқларда ишлаётганлар ҳам кам бўлишаётгани йўқ. Дониёр Шоназаров ҳам тракторчилик қилди, ҳам уч гектар ерда буғдой етиштирди. 14 тонна буғдой топширди. Хўжаликка келтирган умумий даромадининг 20 фоизи ҳисобидан бир ўзи нақд 33 минг сўмни санаб олди. Карим Зокировлар оиласи ҳам қишлоқнинг бойларидан ҳисобланади. Уларнинг туриш-турмушини кўрсангиз ҳавасингиз келади. Ҳеч нарсадан камчилик жойлари йўқ. Уйлари, шинам, замонавий услубда қурилган. Бунақа хонадонлар бизда оз-мунча эмас. Улар тўй қилишяпти, уй қуришяпти, кўнгилларига тугиб қўйган орзу-ҳавасларини амалга оширишяпти.

Қишлоқдаги деярли ҳар бир хонадонда енгил машина бор. Уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар доимий эътиборда. Ҳисоблаб чиқишса 380 одам фақат ойлик билан яшаркан. Уларнинг ҳар бирига 4,5 минг сўмдан ёрдам кўрсатилди. Икки ёшгача боласи бўлган аёлларга ҳам 65 минг сўм тарқатилди.

Хўжалик хазинаси — деҳқон меҳнатининг натижасидир. Бошқарув хазинадаги пулларнинг қадрсизланмаслиги, аксинча, пулга пул қўшилиб борилиши имкониятларини қидирди. "Пахта", "Мева-сабзавот" банкидан 1996 йилда 3,5 миллион сўмлик қимматбаҳо қоғоз сотиб олинган эди. Шу ҳисобга 1997 йилда 1 миллион 861 минг сўм дивиденд олинди. Демакки, умумий даромадга даромад қўшилди. Ана шу даромаддан 2 миллион 117 минг сўми сарфланиб, қишлоқда янги поликлиника қурилди. Уч километр ерга газ қувурлари тортилди. Ичимлик суви ва газ таъминоти 70 фоизни ташкил этди. 1999 йилга бориб, 100 фоизга етади. Ободончилик ишлари кўлами ҳам кенгаяди. Бу йил 800 ўринли, икки қаватли, барча қулайликларга эга бўлган мактаб қурилишига киришишни режалаштирганмиз.

Бу каби хайрли ишлар қишлоқ аҳлининг, меҳнаткашларнинг умумий руҳияти, кайфиятини кўтармоқда. Одамлар ўз меҳнатларининг роҳатини амалда ҳис этмоқдалар.

Яна бир гап. Биздаги ҳар бир деҳқон томорқа еридан ҳам ниҳоятда самарали фойдаланмоқда. Шундайлар ҳам борки, гектарига айлантириб ҳисоблайдиган бўлсак, 50-60 тонна помидор, 20-30 тонна картошка, 25-30 тонна узум, карам, бодринг ҳосили олиб, айримлар эса бу маҳсулотларни ўз хонаки цехларида қайта ишлаб, идишларга жойлаб, зарур пайтда бозорга олиб чиқиб, сотиб, 80-100 минг сўмлаб даромад қилмоқдалар.

Мен шунга аминманки, кимки тер тўкиб пул топса кам бўлмайди. Мулкининг ҳам қадрига етади. Яхши ният билан турмуш қурган келин-куёвлар ҳам бундан мустасно эмас. Қишлоғимизда "қўйдичиқди"лар камлиги, айрим ҳудудларда учраб турадиган "ёмон" ҳатти-ҳаракатларнинг йўқлиги боиси ҳам шундан деб ўйлайман.

Яхши одат, аньаналар, маънавий қадриятлар, табиийки, фарзандларимиз қалбига ва онгига ҳам сингиб бормоқда. Буни ҳар биримиз кўриб-билиб, фахрланамиз. Ўз хўжалигимиз мисолида шуни айтмоқчиманки, республикамизда ҳар қайси фуқаронинг ўз ақл-заковати, қобилияти, меҳнати эвазига фаровон яшашлиги учун барча имкониятлар — тинчлик, тотувлик, хотиржамлик, ҳуқуқий, маънавий омиллар яратиб берилмоқда. Ана шундай шароитда ҳам эски тузумни қўмсаб юрган баъзи кимсаларга мен фақат ачинаман ва уларга «ўзлигингни англаб ет, биродар» дегим келади. Шуни қатъият билан яна бир бор дейманки, одамларимизнинг эртанги кунга, Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажагига, яна ҳам яхши ва фаровон яшашларига, бой-бадавлат оилалар сонининг кўпайишига ишончлари комил. Ишонч эса инсонни ҳамиша эзгу ва улуғ ишларга ундайди.

Носир РИХСИЕВ.

КЕЛИНЛИК БАХТИ

... Келинчакнинг уйи андозасида қадимий палаклару нақшинкор зардеворлар, чимилдуғу кўрпа-тўшаклар билан безатилган саҳнага 24-ўрта мактаб ўқитувчиси Муборакхон Усмонова чиқади. У келинларга ҳос назокат, одоб, чаққонлик ва сертавозелик билан ҳамма ҳавас қилса арзугулик ўзбекона урф-одатларимизнинг мужассамини намойиш эта олди.

Куни кеча Бўка туманидаги маданият саройида бўлиб ўтган "Энг ибратли келинлар" кўрик-танлови бу ерга ташриф буюрган томошабинлар қалбида илиқ таассурот уйғотди. Етти келинчакнинг бири-биридан лобарлиги, чаққонлиги, меҳмоннавозлигини муносиб баҳолаган танлов ҳайъати "Қорақўйли" қишлоғида яшовчи, 12-ўрта мактаб ўқувчиси Шаҳноза Акмалова, "Янгиҳаёт" маҳалласидан ҳамшира Мунира Ўроз-ова, "Ҳўжақўрғон" қишлоғилик, 27-ўрта мактаб ўқитувчиси Адолат Ғуломоваларни кўрик-танлов ғолиблари деб топишди.

Танлов қатнашчиларини вилоят ҳокимининг муовини, вилоят ҳотин-қизлар қўмитаси раиси С. Хўжаева табриклади.

Рустам ХУДОЙҚУЛОВ.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

Воқеалар тўлқинида

● РОССИЯ Федерацияси президенти Борис Ельцин ҳафта бошида Италияга расмий ташриф буюрди. У Италия президенти Оскар Луижи Скальфаро, бош вазир Романо Проди ва бошқа юқори мартабали давлат арбоблари билан мулоқотда бўлди. Музокаралар пайтида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

● ГРУЗИЯ президенти Эдуард Шеварднадзени Аллоҳ бир сақлади. Сешанба куни унга қуролли суиқасд уюштирилди. Унинг "Мерседес-Бенц" машинаси номаълум кимсалар томонидан ўқотар қуроллар ва гранатаметлардан ўққа тутилди. Президентнинг икки қўриқчиси ва битта террорчи ҳалок бўлди. Бу Грузия президенти ҳаётига 1995 йилдан буён қилинган иккинчи галги суиқасд бўлди.

● ЧЕЧЕНИСТОН Республикаси Ичкерияда 1997 йил декабрида ўғирлаб кетилган беш нафар Польша фуқаролари озод этилди. Улар 3,5 ой асирликда бўлганларидан сўнг ўз оилалари бағрига қайтиш имкониятига эга бўлдилар.

● ХИТОЙ АҚШдан инсон ҳуқуқлари муаммоларини баҳона қилиб, ўзининг ички ишларига аралашмасликни талаб қилди.

● АНГЛИЯДА ўқ отиш қуролига даҳлдор қонун кучга кирди. Унга биноан фуқаролар февраль ойининг охиригача мавжуд қуролларини полициячиларга топширишлари шарт. Акс ҳолда 10 йилга қамалиш хавфи бор.

● ҚУВАЙТГА Мисрдан сотиб олинган противогазлар туркуми келтирилди. Ироқ билан уруш чиқишидан қўрққан Қувайт маъмурлари ана шундай эҳтиёт чорасини кўришга мажбур бўлмоқдалар.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● КОРСИКА пойтахти — Аяччо шаҳри валийси — олтмиш яшар Клод Эриньяк отиб ўлдирилди. Бу иккинчи жаҳон урушидан кейин марказий ҳокимият вакилига қилинган биринчи суиқасд бўлди. Уни маҳаллий миллатчилар уюштирган, деб тахмин қилинмоқда.

● **ЮГОСЛАВИЯНИНГ Ниш шаҳрида қўлда ясалган ароқ истеъмол қилиш натижасида бир кунда тўққиз одам курбон бўлди. Мажруҳлар сони ҳам кам эмас. Маълум бўлишича, истеъмол қилувчиларнинг ҳаммаси Зрянин шаҳрида 21 минг литр миқдорида ишлаб чиқарилган "оғу-ароқ"дан ичган эканлар. Текширишлар натижасида бу ичимликнинг метил спиртидан ясалганлиги маълум бўлди.**

● АФҒОНИСТОННИНГ шимоли-шарқий ҳудудида даҳшатли ер силкиниши натижасида катта фожиа юз берди. Минглаб уйлар вайронага айланди, сон-саноқсиз одамлар бошпанасиз қолдилар, ҳалок бўлганларнинг ҳисобини олиш ҳамон қийин кўчмоқда. Куни кеча Тахар шаҳри аҳли нобуд бўлган 4 минг кишини ер бағрига қўйдилар.

ҲИНДУЛАР ТАЛАБИ

МЕКСИКАНИНГ Чяпас штати исёнчилари бундан икки йил муқаддам ҳиндуларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва мақоми бўйича имзоланган ҳужжатни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги ҳукумат таклифини қатъиян рад этган эдилар. Ҳиндуларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашаётган Сапати миллий-озодлик қўшинлари йўлбошчиси Маркос мамлакат ички ишлар вазири Франсиско Лабастидининг мазкур ҳужжатни муҳокама этиш учун яширин учрашув ташкил қилиш ҳақидаги мактубини жавобсиз қолдирди. Исёнчилар ҳукуматдан имзоланган ҳужжатга бекаму-кўст амал қилишни талаб этаётирлар.

НИЯТ — МУЗОКАРАЛАРНИ ҚАЙТАДАН БОШЛАШ

АМЕРИКА Қўшма Штатлари давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним яқинда янги баёнот билан чиқди. Унинг гапларига кўра, Исроил ва Фаластин миллий маъмурияти музокараларни қайтадан бошлаш масалаларини муҳокама этиш учун тез орада Вашингтонга ўз вакилларини юборадилар. Маълум бўлишича, АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг Исроил бош вазири Б. Нетаньяху ҳамда Фаластин мухторияти йўлбошчиси Ё. Арафот билан ўтказган музокаралари бу борада сезиларли силжишга сабаб бўлган. Бироқ, айни вақтда Фаластин делегацияси раҳбари Соиб Ариқат журналистлар билан учрашувда Исроил Урдун дарёсининг Ғарбий қисмини тарк этсагина тинчлик музокаралари қайтадан бошланиши мумкин, демоқда.

ИСТЕЪФОДАН КЕЙИНГИ ШОВ-ШУВЛАР

ЎТГАН ҲАФТА охирида бирданига Арманистон президенти Левон Тер-Петросяннинг истеъфога чиққанлиги тўғрисидаги хабарлар тарқалди. Бу гаплар кўпчиликни ҳайрон қолдирди. Чунки, Л. Тер-Петросян СССР нураганидан сўнг сайланган, қизил империя даврида азият чеккан шахслардан бири мақомида эди. Муҳолифатдаги кучлар ҳамда тоғли Қорабоғ муаммосини ҳал этишдаги мушкулликлар уни шундай қарор қабул қилишга мажбур этган бўлса, ажаб эмас. Айни пайтда бош вазир Роберт Кочерян президентлик вазифаларини вақтинча ижро этиб турипти.

Навбатдаги президент сайловлари муддати ҳам маълум бўлди. Тахминларга қараганда, 16 мартда Арманистон президентлигига сайловлар бўлиб ўтади.



Буюк Хитой девори олам мўъжизалари сирасига киради. Чинмочин тарихида унинг ўзига хос ўрни бор. Қадимий аждодлар заковатига қойил қолган ҳозирги авлод вакилларининг қадами бу ердан ҳеч қачон аримайди. Буюк Хитой деворининг шуҳрати асрлар оша яшайди.

ҚАҲВАДАН КАТТА ХИРМОН

БРАЗИЛИЯЛИКЛАР хурсанд!.. Чунки, бу йил кейинги ўн йилликда энг юқори миқдорда қаҳва ҳосили йиғиб олиш кўзланмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, 1998—1999 ҳосил йилида қарийб 2 миллион тонна қаҳва йиғиштириб олиш мўлжали бор. Бу аввалги йилга қараганда 200 минг тонна зиёддир.

Маълумки, жаҳон бозорида қаҳвага талаб ошиб бормоқда. 1997 йилда дунё бўйича ишлаб чиқарилган қаҳва салкам 6 миллион тоннани ташкил этди. Бироқ, истеъмол қилинган қаҳва ундан ҳам кўп бўлди. Орадаги фарқ эса заҳирада сақланаётган маҳсулотлар ҳисобидан қопланди.

БИР-УНДОҒ, БИР-БУНДОҒ

КЕЙИНГИ кунларда Тожикистондаги сиёсий ва ижтимоий вазият бир қадар яхши изга тушгандек бўлиб туюлган эди. Республика раҳбарияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва чет эл тинчликпарвар ташкилотларини ҳимоя қилувчи махсус гуруҳ тузилганлигини эълон қилди. Бирлашган Тожикистон муҳолифати билан Тожикистон расмий идоралари ўртасидаги муносабатлар ҳам жонлана бошлади. Асирлар озод этила бошланган эди... Лекин, куни кеча яна Тожикистондан хунук хабар тарқалди. Турсунзода шаҳрида террорчилик хуружлари туфайли 10 киши ҳалок бўлди. Шу куни яна бир машъум воқеа рўй берди. Автобекатларнинг бирида қўлбола "ажал машинаси" портлади. Бир зумда етти нафар киши оламдан кўз юмди. Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари бу жиноятларни фош этишга жазм қилдилар.

ЧАҚИРИБ ОЛИНДИЛАР

ЧЕЧЕНИСТОН президенти Аслан Масхадов Москвадаги вазирларини, республика идоралари раҳбарларини чақириб олиш тўғрисида фармойиш берди. Эндиликда юқорида айтилган раҳбарларнинг сафарлари таъқиқлаб қўйилади. Бундан ташқари, А. Масхадов халқаро мутахассисларни таклиф қилиб, Россияга қарши суд жараёни бошлаяжаклигини айтди. Чунки, Россия 1997 йил май ойида тузилган Тинчлик тўғрисидаги шартнома юзасидан олган мажбуриятларини бажармаётир. Устига-устак, деди президент, Чеченистон ўз ҳудудидан ўтадиган Россия нефть трубаларининг хавфсизлигини таъминлаш хусусидаги кафолатларидан воз кечиши мумкин.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ИНҚИРОЗНИНГ ИЛДИЗЛАРИ

"ҲУРМАТЛИ таҳририят! Сўнгги кунларда Ироқ атрофидаги машмашаларнинг авжига чиқаётганлиги ҳаммани ташвишга солмоқда. Яқин Шарқда бундай вазиятнинг келиб чиқишига нималар сабаб бўлмоқда? Биз ўқитувчилар воқеалар тафсилотидан чуқурроқ воқиф бўлишни истар эдик.

Иноят МАВЛОНОВА,
Юқоричирчиқ тумани".

... ҲА, КЕЙИНГИ кунларда Ироқ атрофидаги машмашалар чиндан ҳам авжига чиқмоқда. Бундан Ироққа яқин минтақалардан бўлган Марказий Осиё халқлари ҳам ҳақли равишда ташвишланмоқдалар. Чунки, Ироқ билан БМТ Хавфсизлик Кенгаши, хусусан, АҚШ, Буюк Британия ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви қалтис нуқтага бориб тақалди. Бунга Америка Қўшма Штатлари маъмуриятининг Ироққа қуролли зарба бериши мумкинлиги тўғрисидаги дўқ-пўписалари сабаб бўлди.

Хўш, Ироқ билан боғлиқ можаролар нега бундай ҳунук тус олди? АҚШнинг унга нисбатан ўтказаётган тазйиқи нима учун сўнгги кезларда кучайиб кетди?

Айтиш мумкинки, халқаро жамиятларнинг Ироққа бўлган ишончи етти йил муқаддам йўқолган эди. Чунки, Ироқнинг Қувайтга нисбатан тўсатдан ҳужум қилиши, унинг айрим ҳудудларини босиб олиши жаҳондаги йирик давлатларнинг нафратини қўзғаган, Ўрта Шарқда йирик ҳарбийлашган мамлакатлардан бири бўлган Ироқнинг бу кирдикорлари бутун ер курраси бўйлаб норозилик уйғотган эди. Охир-оқибатда БМТга аъзо бўлган АҚШ, Англия, Франция, Саудия Арабистони каби мамлакатлар бир томонда туриб, тажовузкорнинг адабини беришга қарор қилдилар. 30 га яқин давлатлар иттифоқи замонавий қуроллар, тайёралар, танклар ёрдамида Ироққа ҳужум уюштирдилар. У ўзини ҳимоя қилишга уринди. Лекин, жуда катта кучга эга бўлган иттифоқчиларга бас келиш осон эмас эди.

Бир неча ой давом этган Ироқ ва Қувайт можароси тугаганидан сўнг унга қарши урушда иштирок этган давлатлар келажакни ўйлаб, Ироқнинг ҳарбий қудратини ва имкониятларини чеклаш хусусида яқдил қарор қабул қилдилар. Ўшанда Ироқ ядровий, кимёвий ва биологик қуроллар ишлаб чиққан ёхуд бундай воситаларни яратиш имкониятига эга, деган ақидалар устунлик қилди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарори билан Ироқдаги ана шундай қуролларнинг манбаларини аниқлаш, уларни йўқ қилиш, келажакда рўёбга чиқиши мумкин бўлган имкониятлардан маҳрум этиш мақсадида БМТ хоҳиш-иродаси билан Ироқдаги ялпи қирғин қуролларини текшириш комиссияси тузилган эди. Уни халқаро миқёсда ЮНСКОМ деб атадилар.

Орадан етти йил ўтди. Бу орада ЮНСКОМ таркибига кирган текширув гуруҳлари ўз фаолиятини фаоллаштириб юборди. Юзлаб текширувлар ўтказилди. Қатор ҳудудларга кўп марталаб сафарлар уюштирилди. Кузатувлар, текширувлар натижалари боорбў халқаро маҳкамаларда тез-тез муҳокама этиб турилди.

Ўтган йил охирида ЮНСКОМ комиссияси ўз ишини яна қайтадан бошлаш учун Бағдодга келди. Лекин, бу сафар уларнинг сафари биринчи кунларданоқ одамларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Бутун Ироқ бўйлаб комиссия шаънига лаънатлар ёғила бошлади.

Устига-устак етти йилдан буён Ироқ устидан учиб ўтаётган "У-2" тайёраларининг парвозлари ҳам Ироқ фуқароларининг жиғига тега бошлади. Президент Саддам Ҳусайн давлат бошлиғи сифатида бундай ҳолатларга эътибор бермаслиги мумкин эмас эди. Оқибатда ЮНСКОМ аъзоларининг фаолияти тобора қийинлаша бошлади. Айрим ҳудудларга кириш улар учун маън этилди. Алқисса, комиссия аъзолари мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар.

Ўтган йил декабрь ойига келиб, ЮНСКОМ ижрочи раиси Роберт Батлер Бағдодга шахсан ташриф буюрди ва Ироқ бош вазири ўринбосари Тариқ Азиз билан биргаликда вужудга келган жанжалли масалаларни бартараф этиш хусусида музокаралар олиб борди. Айниқса, 19 январда бошланган мулоқотлар қийин кечди. Комиссия аъзоларининг сони, миллати, "Президент ва суверен объектлар" деган жойларни текшириш, Техникавий Масалалар Кенгашининг мажлисларини ташкил этиш, Ироқ президентининг 17 январда сўзлаган нутқида олға сурилган ўй-фикрларни ойдинлаштириш, ядровий, кимёвий, биологик қуроллар тўғрисидаги тахминларнинг мавҳумлиги, "У-2" тайёраларининг парвози каби масалаларга доир музокаралар барибир ўзининг ижобий ечимини топмади. Комиссия ижрочи раиси олинган жавоблардан қониқиш ҳосил қилмади.

23 январда Р. Батлер БМТнинг Хавфсизлик Кенгашида текширувлар натижаси бўйича маъруза қилди. Ўшанда у Ироқ нуқтаи назари — Хавфсизлик Кенгаши талабларини бевосита рад этишдир. Ироқ қатор объектларнинг текширилишини апрелгача кечиктирмоқчи, Техникавий Масалалар Кенгаши фаолиятини ўз манфаатларига қаратмоқчи, шу боис у ЮНСКОМнинг кимёвий, биологик, ядровий қуроллар ишлаб чиқариш дастурини текширишга тааллуқли ишларни "ёпиш", боз устига Ироққа нисбатан эълон қилинган ҳарбий, иқтисодий жазо чораларини яқин орада бекор қилишни талаб этмоқда, деган маънода ахборот берди.

Аслида бу масалалар қуйидагича мазмун касб этган эди. Бешта маскан "Президент ва суверен объектлар" деб эълон қилинишига қарамай, уларга кириш учун рухсат берилмади. Бу ҳолат комиссия томонидан Хавфсизлик Кенгаши қарорига зид деб баҳоланди. Буни Ироқ томони бундай объектлар ҲК ҳужжатларида тилга олинмаган, буни ЮНСКОМ аъзолари ўзлари ўйлаб чиқаряптилар, бу эса ўз ваколатларини оширишдан бошқа нарса эмас, деган далиллар билан оқламоқчи бўлди. Икки ўртада обдон тортишувлар бўлди. Алқисса, Ироқ томони қисман ён босди. Лекин, барибир шунда ҳам ЮНСКОМ янги даъволар билан чиқди. Комиссия аъзолари ироқликларни носамиймликда, масалага ноҳалол, ноҳолис ёндошувда айбладилар. Р. Батлер "бизга ғирт ёлғон маълумотлар берилмоқда" деб айтди.

Шундан сўнг АҚШ маъмурлари нима бўлганда ҳам биз Ироқни ҲК қарорларини бажаришга мажбур этамиз, деган шиорни олға сурдилар. Юқори мартабали арбоблар дунёнинг турли бурчакларига сафарга отландилар. АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним Парижда Франция Ташқи ишлар вазири Юбер Ведрин, Англияда Робин Кук, Мадридда Россия Ташқи ишлар вазири Евгений Примаковлар билан учрашди. Сўнгра Қувайтда, Саудия Арабистонида, Бахрайн, Миср, Исроил сингари мамлакатларда бўлди. Алқисса, у 28 январь куни "Биз бир томонлама ҳаракат қилишга тайёрмиз", "Биз хоҳлаган вақтда хоҳлаган чорани қўллашимиз мумкин", "Саддам Ҳусайн тажовузкор ва ёлғон баёнотлар бермоқда" деди.

Шундан сўнг АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Билл Ричардсон Америка саъй-ҳаракатларини "тушунтиришга" киришди. Ҳавфсизлик Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатларга борди. Португалия, Гамбия, Кения, Габон, Коста-Рика, Бразилия кабилар ҳам четда қолмади.

5 февраль алоҳида кун бўлди. АҚШ президенти Билл Клинтон Британия бош вазири Тони Блэр билан биргаликда ўтказган матбуот конференциясида "Ҳозир пайдо бўлган инқирознинг сабаблари нимада? Бу ЮНСКОМ ҳарбий назоратчилари томонидан текширувларнинг тўхтаганлиги, уларнинг кўздан кечириладиган объектларга кўйилмаётганлигидир. Биз Саддам Ҳусайнни биологик, кимёвий ва ядровий қуроллар яратиш ва бундай қуролларни узоқ масофаларга элтиш имкониятларидан маҳрум этишдан манфаатдормиз. Бу бизнинг асосий вазифамиздир. БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши қарорлари ҳам ана шунга асосланади", деб баёнот берди.

Яна шу куни АҚШ давлат департаменти Ироққа сафар қилувчи фуқароларни эҳтиёт бўлишга чақирди ва 1997 йил 25 июндаги огоҳлантириш ҳужжати ўз кучида қолажаклигини ҳамда янги огоҳлантиришнинг 30 апрелгача амал этажаклигини эълон қилди. Устига устак АҚШ штаблари бошлиқлари бирлашган қўмитаси раиси, генерал Хью Шелтоннинг президент маслаҳатчилари ва олий мартабали ҳарбийлар билан эҳтимол тутилган ҳужум стратегияси устида ишлаётганлиги маълум бўлди.

Ҳавода уруш иси анқий бошлади. Турли манбаларда АҚШ 16—18 февраль кунлари Ироққа ҳарбий ҳужум қилиши мумкин, деган маълумотлар тилга олинди. Жаҳондаги йирик мамлакатлар раҳбарлари сергакланиб қолдилар. Россия, АҚШ, Франция, Олмония, Англия ва бошқа мамлакатлар раҳбарлари ўртасида телефон сўзлашувлари тинмади. АҚШнинг Ироққа ҳарбий зарба беришини Англия, Қувайт, Исроил, сўнгги кунларда эса Канада ва Австралия маъқуллай бошладилар.

Аммо кўпгина мамлакатлар раҳбарлари АҚШнинг баёнотидан ҳайратга тушдилар. РФ президенти "АҚШнинг бу қарори учинчи жаҳон уруши бошланишига туртки бўлиши мумкин" деб айтди. Шу тариқа асосий ургу дипломатик ва сиёсий воситаларга қаратилиши лозим, деган умумбашарий хулоса вужудга келди.

Куни кеча АҚШ мудофаа вазири У.Коеннинг Россияга ташрифи ниҳоясига етди. БМТ Бош котиби Кофи Ананнинг хорижий мамлакатларга сафари бошланди. Ироқ президенти С.Ҳусайн эса комиссия аъзоларининг текшириладиган объектларга киришига розилик берди.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари сўнгги кунларда Ироқ атрофидаги можаролар хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришдан бўшамаётир. Тинчлик, дипломатия, музокаралар сиёсати устун келадими ёхуд уруш бошлаш нуқтаи назари кучга кирадими? Дунёдаги ўнлаб мамлакатларнинг раҳбарлари, мана-ман деган сиёсатчилар, дипломатиянинг "пир"лари, жаҳон афкор оммаси тинчлик йўли, дипломатия заковати ғалаба қилади, деган тамойилда устувор турибдилар. Иншоллоҳ, шундай бўлсин...

Раҳимберди УМАРОВ.

Бизнинг шарҳ

1 2 3 4

Венеция... Оврупо қитъасининг мўъжизакор шаҳарларидан бири. Уни жаҳон сайёҳлари томоша қилиб, таажжубга тушадилар. Ҳар йили ер курраси нинг турли бурчакларидан бу ерга минглаб сайёҳлар ташриф буюрадилар.

«ЎЗБЕКИСТОН ДЕЯ АТАЛУР...»

ВАҚТ ортга қайтмайди, у доимо олдинга талпинади. Аммо ҳаётда шундай лаҳзалар ҳам бўладики, вақт унинг олдида кучсиздир.

Мен, бу ўринда она диёримизда бўлиб ўтган шукуҳли шодиёналар Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тантаналарини назарда тутаяпман. Бир йилдан ортикроқ тайёргарлик кўрилган ушбу кўркам тантаналар тарих саҳифаларига муҳрланиб қолди.

Ушанда республика Фанлар академияси Ташқи ишлар ҳамда Маданият ишлари вазирликлари билан биргаликда ҳар икки шаҳарнинг юбилейларига бағишлаб "Инсониятнинг илмий ва маданий мероси — учинчи минг йилликка" мавзусида халқаро илмий симпозиум ўтказганди.

Анжуманни ўтказишдан олдин академияда ташкилий қўмита тузилиб, бу ишга каттаю-кичик олимлар жалб қилинди. Бўрибой Аҳмедов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳи дунёнинг турли бурчакларидан келиб тушган маърузалар матнини кўриб чиқиш ва симпозиум дастури лойиҳасини яратишга киришди. Физика-математика фанлари доктори, профессор Шуҳрат Эгамбердиев чет эл илмий марказлари ва элчихоналари билан доимий алоқа ўрнатиб, қайси давлатдан ким ва қачон келиши, Ўзбекистондан қайтиш кунларини белгилаш каби масалалар билан машғул бўлди.

Хуллас, бетўхтов телефон алоқалари, чет эл элчихоналари ва хорижий давлатлардан келган хатлар, телефакслар асосида анжуманимизга келадиган меҳмонлар рўйхати аниқланди ва катта ишни бошлашга бел боғланди.

Ватан остонадан бошланади, деганларидек, Тошкент аэропортида меҳмонларни кутиб олиш, "Ўзбекистон" меҳмонхонасига жойлаштириш ҳамда улар билан ишлаш гуруҳлари фаолият бошлади. Меҳмонлардан кимдир кечаси, кимдир кундузи, яна бирови саҳарда йўл азобидан чарчаб келган...

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, икки шаҳар юбилейида илк бор Греция, Кувайт, Сурия, Украина, Молдова, Латвия ва Арманистон олимлари иштирок этишди. АҚШдан Гарвард университетининг Бухоро тарихи бўйича йирик мутахассис, профессор Фрай Ричард, Индиана университети профессори Назиф Шаҳроний, Англиядан собиқ элчи Поль Берн, Шайбонийхонлар тарихи бўйича мутахассис Одри Бертон, Шарқшунослик тадқиқоти институти профессори Денис Кандиоти, Франциядан Париж академияси ректори Мишель Массалу, Марказий Осиё бўйича йирик мутахассис Тьерри Заркон, "Карвон — сарой" ассоциацияси асосчиси, меъмор Эрик Торк, Австриядан Вена университети профессори Хайнер Эйхнер, Бельгиядан Гильберт Герман, ЮНЕСКО ижроия кенгаши раисининг муовини ва кенгаш аъзоси Маоро Рози Японияндан Бухорога кетишларидан бир кун олдин академия Президиумида қабул қилиндилар. Илмий алоқалар ўрнатиш, ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бориш, тажриба алмашиш ҳақида давра суҳбати ўтказилди.

Анжуман кунларида Гарвард (АҚШ) университетининг профессори Ричард Фрайнинг "Манбаларда Бухоро шаҳри, воҳанинг илк тарихи" мавзуидаги маърузаси тингланди. "Марказий Осиёда истиқомат қилиб келаётган барча миллатларнинг ери, Ватани бир, уларни бир-биридан аж-

ратиб

ФАХР

бўлмайди. Шўролар даврида улар сунъий равишда бўлаклаб ташланди. Эндиликда мустақил, озодлик шароитида улар яна бирикиб, дўстликда, иноқликда, дўстлик ва ҳамкорликда ҳаёт кечиришлари керак", деган тилаклари қарсаклар билан эътироф этилди.

«Бухоронинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва унинг Бухоро — Ислом ва умуминсоний маънавият маркази» ҳамда «Фан ва маданият» мавзуларида маърузалар тингладилар. Сўнг мазкур Симпозиум доирасига кирувчи «Бухоро ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» халқаро конференцияси ўз ишини бошлади. Уни республика Фанлар академияси президенти, академик Т. Жўраев кириш сўзи билан очди. Тожикистон Фанлар академияси президенти, академик Ў. Мирсаидов, Қирғизистон Фанлар академияси президенти профессор Т. Қўйчуев конференция қатнашчиларини қадимий шаҳарларимиз юбилейи билан муборакбод этишди.

Кечқурун дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган меҳмонлар Бухоро шаҳрининг қутлуғ тўйи шарофати ила бутунлай ўзгача кўрку тароват касб этган Пойи Калон майдонига йиғилдилар.

Майдонга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кириб келиб, меҳмонларни, барча ватандошларимизни қутлуғ айём билан муборакбод этди. ЮНЕСКОнинг расмий вакили Барри Лейн байрам қатнашчиларига мазкур халқаро ташкилот Бош директори Федерико Майорнинг табригини етказди. У Бухоро заминидаги ҳар бир тош ўтмишдан сўзловчи дурдона эканига, бу ердан таралувчи илм-маърифат нури осмонни ёритишига ишонч билдирди.

Муқаддас Хоразм заминида ўтказилган шодиёналар ҳам ҳаммага хуш кайфият бағишлади. Халқаро анжуман якунларига бағишланган матбуот конференциясида ўқилган маърузаларда Хива ва Бухоро шаҳарларининг буюк тарихини, беқиёс маънавий меросини, азиз-авлиёларини, осориатиқалари, бой маданияти, халқ қадриятларини ўрганишдаги муҳим аҳамияти таъкидланди.

Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги тантаналари республикамизда истиқлол туфайли қўлга киритилаётган улкан ютуқларнинг ёрқин намойишига айланди. Ушбу тадбирлар биринчи галда Ўзбекистон халқининг жаҳон иқтисодий, маданий ва маънавий тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини холисона баҳолашга хизмат қилади. Қолаверса, кенг кўламли халқаро илмий мулоқотлар республикамизнинг бугунги кунда ва учинчи минг йилликда жаҳон халқлари билан самарали илмий, маданий ва амалий алоқалари учун кенг йўл очади.

— Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тантаналарида қатнашиш мен учун бахт, — деди ҳиндистонлик олим Қ. Варико. — Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда катта ютуқларга эришган ўзбек халқига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман. Ишонаманки, Ҳиндистон узоқ даврдан буён Ўзбекистон билан ижтимоий, иқтисодий ва маданий масалаларда бош шерик бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Бундай дил сўзларни туркиялик олима Исанбике Тоган, хитойлик Ясин Ашури, Берлиндаги ислом санъати музейи доктори Йоахим Гиерлихс ҳам изҳор этдилар.

Мен бу ҳақда орадан талай вақт ўтиб, бекорга ўйлаганим йўқ. Гап шундаки бизнинг юртимизда тинчлик, хотиржамлик, осойишталик барқарор. Шунинг учун ҳам кўнглимизга тўйлар, шодиклар, қувончлар сиғади. Ҳар бир йилимизнинг ўз номи бор: Амир Темур йили, Инсон манфаатлари йили. Биз катта умидлар билан бошлаган 1998 йилни юртбошимиз "Оила йили" деб эълон қилдилар. Одамларга шодиёна бахш этувчи ўлкада яшамоқнинг ўзи улкан бахтдир. Унинг муборак исми Ўзбекистон дея аталур...

Сирожиддин КАРИМОВ.

Таҳририятга мактуб

ЯХШИЛАР САҲОВАТИ

ТОШКЕНТ туманидаги Кўксарой маҳалласи кейинги икки-уч йил ичида ўзгача қиёфага кирди. Маҳалламиз ишбилармон тадбиркорлар Забиҳулла Ҳабибуллаев, Абдумалик Алимов ва ака-ука Солиевларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли янада кўркамлашди. Айниқса, ўтган йилдан бошлаб аҳолига беминнат хизмат қилиб келаётган "Алим ота" кундалик харид моллари дўкони маҳалламизга файзу барака олиб келди.

Ҳозирги кунда маҳаллада халқнинг фаровон турмуш кечириши учун муҳим бўлган барча имкониятлар мавжуд. Мактаб, боғча, милиция ва алоқа бўлимлари, маҳалла, қишлоқ фуқароси йиғини идоралари, озиқ-овқат, саноат, рўзғор анжомлари дўконлари, шифохонаю дорихоналар, шунингдек, оталар чойхонаси, маиший хизмат кўрсатиш уйлари, ошхона, нонвойхона, электр жиҳозларини таъмирлаш устахоналари одамларнинг оғирини енгил қилмоқда. Шубҳасиз, бундай қулайликлар инсон манфаати, оилаларимиз фаровонлиги учун хизмат қилади.

Бу борада юртимизни обод, қишлоқ ва маҳаллаларимизнинг файзли бўлишига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорларимизга ташаккурлар айтгимиз келади. Илоҳим, уларнинг эзгу ишларини Оллоҳ қўллаб-қувватласин.

Собиржон БОБОМЕТОВ,
Тошкент туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.

САМАРАЛИ ВАКЦИНА

Бугунги кунда мамлакатимизда уй ҳайвонларининг юқумли касалликка чалинишига қарши қўлланиладиган вакциналар бирмунча камёб ҳисобланади. Шу маънода, Ўзбекистон Фанлар Академияси зоология институти олимларининг бир гуруҳ америкалик ва исроиллик мутахассислар билан ҳамкорликдаги изланишлари диққатга сазовордир. Улар тадқиқотлари натижаси ўлароқ, қорамолда учрайдиган юқумли телерёз касаллигига қарши янги вакцина яратилди. Тажриба унинг ғоят самарали эканлигини кўрсатди.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

ДУШАНБА, 16

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан 16 февраль куни УзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача УзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фарзанд —умид юлдузи». Тележурнал.
18.30 «Олам ва одам».
18.50 «Кафолат».
19.10 «Футбол майдонларида».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Диёр». Тележурнал.
22.00 «Бобур изидан». Видеофильм премьераси. 1-қисм.
22.25 «Суюкли ёр келмади». Раҳматжон Қурбонов.
22.55 XVIII қишки Олимпиада кундалиги.
23.05 «Киёфа».
23.35 «Ахборот».
24.00—00.05 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Тарозу».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Эгиз қўшиқлар».
21.20 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.05 Кундалик.
22.25 «Олтин мерос».
22.40 «Даракчи» (рус тилида).
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал.
23.50 — 23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 Эстрада тароналари.
8.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.20 «Жаҳон спорти».
9.30 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
10.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Бу ҳам кино». Сериал.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Буюк Турон».
12.30 Телевизион миниатюралар театри.
13.10—14.00 А. Қодирий «Меҳробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм.15-қисм.

* * *

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 18.20 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Каскадерлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида».
*
Россия давлат телевидениеси 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Ғаройиб саёҳат». Бадиий фильм.
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.35 Эълонлар.
«Чинор» видеоканали:
19.05 «Рангинкамон».
19.25 «Дидар».
19.45 «Ирэндек».
*
20.05 «Умр бахори».
20.20 «Жаҳон».
20.40 «Мусиқали танаффус».
20.45 «Намастэ».
21.05 «Спорт-тайм».
21.40 Кинематограф. «Фотима».
23.10 «Бож-хирож».
23.25—23.35 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Лирик тароналар.
9.05 «Ёшлик» студияси. «Идрок».
9.25 «Биржа ва банк хабарлари».
9.40 «Бобур изидан». Видеофильм. 1-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Инглиз тили.
11.00 Алифбо сабоқлари.
*
11.30 «Ҳамкорлик ришталари».
11.55 «Рақс. Рақс. Рақс».
12.15 «Қичқинтой устахонаси».
12.35 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-серия.
14.05—14.35 «Киёфа».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Булутли йўлкаларда сайр». Мультфильм.
18.20 «Сиртқи телевизион олимпиада».
18.45 «Чорраҳа».
19.05 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Акция ва акциядор».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Акс-садо».
21.35 «Санъат усталарининг концерти».
22.15 «Бобур изидан». Видеофильм премьераси. 2-қисм.
22.35 XVIII қишки Олимпиада кундалиги.
22.45 «Қонун ва биз».
23.15 «Кинога бахшида умр». Наримон Латипов.
00.15 «Ахборот».
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Ёввойи ҳайвонот олами».
19.05 «Болливудга нигоҳ».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Онагинам».
21.20 Спорт қитъаси.
21.50 «Очун».
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 «Кинонигоҳ». Роберт Рэдфорд «Қаллоб» фильмида.
00.40—00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Бевафолар». Бадиий фильм. (Франция).
00.05—00.25 «Ахборот (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
*
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.20 — Эълонлар.
19.10 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Мусиқий дақиқалар».
20.15 «Аптека эшитади...»
20.45 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.00 «Телефакт».
21.10 «Жонли тил».
21.40 «ТВ IV да немис тўлқини».
22.00 «Долзарб репортаж».
22.25 «Қувноқ кино».
23.55. — 00.05 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Нафосат гулшани». Мусиқий дастур.
9.00 «Бокира туйғулар».
9.20 «Талаба ва спорт».
9.40 «Бобур изидан». Видеофильм. 2-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун «Бўш вақтим — хуш вақтим».
10.30 «Остонаси тиллодан». Публицистик кўрсатув.
10.50 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
11.15 «Жараён».
11.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Саҳролардан садолар».
11.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар». «Уддабурро хизматкор».
12.45 «Пан Кляксанинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-серия.
14.05—14.25 «Хўжалик ва ҳуқуқ».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.35 Сиртқи телевизион олимпиада.
19.00 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур».
19.05 «Қиймат ва қиммат».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ранглар жилоси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 XVIII қишки Олимпиада кундалиги.
21.30 «Сиёсат оламида».
21.50 «Юрак кенгликларида». Мусиқий дастур.
22.25 «Бобур изидан». Видеофильм премьераси. 3-қисм.
22.45 «Пардали гап».
23.20 «Ахборот».
23.45—23.50 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 Жаҳон халқлари эртаклари.
18.40 «XX аср жиноятлари». Телесериал.
19.10 «Авлод».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Жаҳон хотираси».
20.10 «Нафис мажлислар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Жозиба».
21.10 «Хонадон».
21.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.15 «Даракчи» (рус тилида).
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Экранда—детектив. «Буюк изқувварлар. Коломбо». Телесериал.
00.25—00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.35
*
21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 Эд. О. Нил «Папай лақабли полициячи» фильмида.
00.10 — 00.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.40 — Эълонлар.
19.10 Телесериал.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 Ҳуқуқ ва бурч.
20.30 «Дилрабо тароналар».
20.40 «Автосалтанат».
20.50 «Ҳаёт карвони».
21.10 «Дурдаршан».
21.45 «Олтин хазина». «Нодирабегим». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
23.15—23.25 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Истиқлолим, сени

қўйлайман». Мусиқий дастур.
9.10 «Харита». Халқаро шарҳ.
9.25 «Мураббий». Спорт дастури.
9.40 «Бобур изидан». Видеофильм. 3-қисм.
10.00 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Мактублар — кабутарлар».
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Нуроний». Тележурнал.
11.20 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
11.40 «Телевидение ва томошабин».
12.05 «Талаб ва таклиф».
12.30 «Довюрак Хочбар ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
14.05—15.05 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Ўз ўрнинг бор».
18.35 «Ҳидоят сари».
18.55 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 21.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тафаккур ва тақдир».
21.20 XVIII қишки Олимпиада кундалиги.
21.35 «Бобур изидан». Видеофильм премьераси. 4-қисм.
21.55 «Вазият».
22.10 «Оила». Тележурнал.
22.50 «Она бўла қолгин менга табиат».
23.05 «Битик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.30 «Театр ва мусиқа».
24.00 «Ахборот».
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жажжи давра».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.15 «Дилнавоз садолар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».
20.15 «Сир».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мутойиба».
21.30 «Одобнома».
21.40 «Мумтоз наволар».
21.55 «Ганча битилган достон».
22.05 «Даракчи».
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Оилавий экран. «Она муҳаббати». 2-серия. (Ҳиндистон).
00.05—00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.35
*
21.35 «Ўзбекистоннинг навқирон балети».
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.55 «Ғаройиб бомба». Кинокомедия (АҚШ).
00.20 — 00.40 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.30 — Эълонлар.
19.05 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.50 «02» тўлқинида.
20.05 «Ракурс».
20.35 «7 дан 70 гача».
21.00 Интерспорт.
21.10 Мусиқий Олимп.
21.35 Киносалон.
23.05 «Юнон».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 20

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Дилрабо тароналар».
9.00 «Буни умр дерлар». Телеочерк.
9.20 «Юзма-юз».
9.40 «Бобур изидан». Видеофильм. 4-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
10.30 Немис тили.
11.00 Болалар учун. «Ҳикматлар ҳазинаси».
11.25 «Қишлоқ стадионларида».
11.45 «Меҳр макони».
12.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
12.50 «Давроннинг бошидан кечирганлари». Бадиий фильм.
14.05—15.05 «Сайқал». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тдртиби.
18.10 «Шеър ва шуур».
18.20 «Орият шажараси».
18.40 «Шарқ тароналари».
19.05 «Ёшлик» студияси. «Мулоҳаза».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мулк ва муносабат».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 XVIII қишки Олимпиада кундалиги.
21.40 «Бобур изидан». Видеофильм премьераси. 5-қисм.
22.05 «Ватанни севмоқ иймондандур...».
22.30 «Ўзбекистон бастакорлари». Мусиқий дастур.
23.00 «Ахборот».

«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
23.25 «Олам».
23.45 «Бишри Хофий». Бадиий фильм.
01.15—01.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан».
18.35 «XX асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.05 «Хусусийлаштириш қадам-бақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тақдим».
20.10 «Дил дафтари».
20.20 «Тўйғуларим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.15 «Ғазал соғинчи».
21.35 «Даракчи».
21.45 Оҳанглар ва эълонлар.
21.55 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.40 «Бокс. Бокс. Бокс».
23.00 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
00.20—00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.35
*
21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Олов талвасаси». Бадиий фильм.
00.05—00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.35 — Эълонлар.
19.05 Телесериал.
19.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.10 «Наволарда аён этсам...».
20.30 «Мардона йигитлар».
20.45 «Дурдаршан».
21.15 «Ўй остонадан бошланади».
21.40 Кинематограф. «Савоя»нинг ўғирланиши».
23.05 Араб эстрадаси.
23.35—23.45 «Мунаввар тонг истаб».

ШАНБА, 21

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Бобур изидан». Видеофильм 5-қисм.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
9.20 «Йигит омон бўлса».
9.40 «Талабалар саҳнасида».
*
10.20 «Шоҳрух» клуби.
10.40 «Зиёрат».
10.50 «Ватан, мадҳингни қуйлайман». Мусиқий дастур.
11.20 «Дилдаги гаплар». Баҳодир Йўлдошев.
12.05 «Менинг маҳаллам».
12.25 «Цирк. Цирк. Цирк».
12.55 «Санъат олами».
13.15—14.25 «Маҳбубим, азизим, суюклигим, ёлғизим». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультолам.
18.15 «Орзуларим дунёча бор». Олимжон Орифжонов.
18.35 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.00 «Ҳайрат» Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.45 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.25 «Бобур изидан». Видеофильм премьераси. 6-қисм.
21.45 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
22.50 XVIII қишки Олимпиада кундалиги.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.00 «Олқишлар, олқишлар, олқишлар». 2-кўрсатув.
23.20—00.50 «Марсия». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

II

9.00 «Бор экан-да йўқ экан...».
9.20 «Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
10.45 «Тақдим».
11.00 «Дил дафтари».
11.10 «Тўйғуларим».
11.15 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
12.05 «Ривоят».
12.20 «Ғазал соғинчи».
12.40 Бокс. Бокс. Бокс.
13.00 «Сирли жиноятлар». Телесериал.
13.50 «Сир».
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 «Мутойиба».
14.35 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал (АҚШ).
15.25 Спорт қитъаси.
15.55 «Эгиз қўшиқлар».
16.15 Спорт қитъаси.
16.45 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
17.35 Киноконцерт.
17.50 «Ёрилтош».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ў ким? Бу нима?».
18.30 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.45 «Қонун ҳимоясида».
18.55 «Театр ва ТВ».
19.15 «Дилнавоз садолар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Дилбарим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «Жозиба».
22.05 «Даракчи».
22.15 Спорт қитъаси.
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 «Бэлла Мафия» фильмида итальянча мафия.
02.30—02.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

19.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*
Россия жамоат телевидениеси. 19.05 — 23.50
*
23.50 Эълонлар.
23.55—00.05 «Болакайлар орзуси». Телефильм.

IV

10.00 «Спектаклдан сўнг».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Биргаликда куйлайлик».
11.25 «Шанба эртаги».
12.35—13.05 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз. («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун).

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультомоша».
19.00, 22.05 — Эълонлар.
19.05 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 Далил ва шарҳ.
20.15 Авторейд.
20.25 «Рақслар қанотида».
20.50 «Ассалом, Франция!».
21.15 «Чинсэн».
21.45 «Хит-коллекция».
22.10 «Киносалон».
23.50 «Бу ажиб дунё».
00.05 Спорт-марказ.
00.50—01.00 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Қамалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Бобур изидан». Видеофильм 6-қисм.
11.20 «Ҳаёт рисоласи».
11.50 «Қувноқ стартлар». Телеўйин.
12.30 «Куйла, ёшлигим». Эстрада концерти.
12.50 «Ўйла, изла, топ!». Телебеллашув.
13.20 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
14.20—15.20 «Нурли келажак». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун «Санъат ғунчалари».
18.30 «Ёшлик» студияси. «Учинчи эҳтимол».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида».
21.40 «Бобур изидан». Видеофильм премьераси 7-қисм.
22.00 XVIII қишки Олимпиада кундалиги.
22.10 «Келин-куёв». Телешоу.
23.00 «Спорт. Спорт. Спорт».
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
23.15 «Кино янгиликлари».
23.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.50—01.00 «Бу ҳам кино». Сериал.

II

9.00 «Ў ким? Бу нима?».
9.15 «Кичкинтой экрани».
9.30 «Жозиба».
9.45 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал.
10.35 «Дилбарим».
10.50 «Театр ва ТВ».
11.10 «Дилнавоз садолар».
11.20 «Сирли жиноятлар». Телесериал (Англия).
12.00 Спорт қитъаси.
12.30 Болалар экрани. «Оқ қиз».
14.00 Кўрсатувлар дастури.
14.05 Жаҳон халқлари эстрадаси.
14.30 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.10 «Интер-футбол».
15.55 Сиз ёқтирган қўшиқлар.
16.15 «Нафосат».
16.25 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
17.10 Мультипанорама.
17.40 «Келгуси ҳафтада».
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
18.35 «Синфдош».
19.00 «Бари ҳазил».
19.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
19.25, 19.55 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Жараён».
20.15 Тақвим, оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 «Изҳор».
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 «Миллионлар ўйини».
22.40 Келгуси ҳафтада.
23.00 Якшанба кинозали.
00.40—00.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

18.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*
Россия жамоат телевидениеси. 19.00 — 00.05
*
00.05 Эълонлар.
00.10 — 00.35 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франса?»
9.55 Як

ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИГА ЭЪТИБОР

Тошкентда киночилар уйида "Қўшиқчилик санъати ва давр" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Республика маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон Телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ташкил этган бу тадбирда шоир ва бастакорлар, санъатшунос олимлар, хонанда ва созандалар иштирок этди.

Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, Тошкент давлат консерваторияси ректори Равшан Юнусов, адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов ва бошқалар миллий қўшиқчиликни ривожлантириш йўллари, бу борада мавжуд муаммолар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтказилган "Ўзбекистон — Ватаним маним" кўрик-танлови ва республика қўшиқ байрами, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали мамлакатимизда миллий мусиқий анъаналарни сақлаш, замонавий қўшиқчиликни шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Бастакорлар билан ҳамкорлик натижасида болалар, ёшлар ва ҳарбийлар томонидан куйланадиган ватанпарварлик руҳидаги кўплаб янги қўшиқлар яратилди.

Бироқ айрим мусиқий дастурларда матни ҳам, мусиқаси ҳам қўшиқчилик талабларига мутлақо жавоб бермайдиган саёз ашулалар ҳамон учраб турибди.

Давра суҳбати қатнашчилари замонавий қўшиқчилигимизни миллий анъаналаримиз асосида ривожлантириш лозимлигини таъкидладилар.

Б. МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

АССАЛОМ, УСТОЗ!

Ўқитувчини ҳам, болаларни ҳам ўз оғушига олган сониялар. Билим сирларини эгаллаш учун вақтнинг ана шу онлари нақадар тотли. Муаллима савол берар экан, унинг дилбандлари бир неча сония ўйга толадилар. Кейин бурро-бурро жавоблар бошланади. Улар тўғри ва равон бўлса, устоз қалби мамнун бўлади, деяверинг. Янгийўл туманидаги 10-ўрта мактабда 35 йилдан буён ёш авлодга таълим-тарбия бериб келаётган муаллима Фотима Раҳмоналиева бундай қувончли онларнинг кўп бора гувоҳи бўлган. Ассалом, Устоз! Бу хайрли йўлда сизга яна кўплаб доруломонликлар тилаймиз.

Суратда: Фотима Раҳмоналиева ўқувчилар даврасида, бу лавҳа (пастда) ана шу мактабда ўтган "Навоийхонлик кеча"сидан олинган.

Абдурасул ПАРДАЕВ, олган суратлар.

СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ

Вилоят ёшларининг "Камолот" жамғармаси ёшлар учун иш жойларини яратиш, янгиларини ташкил этиш, ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол, маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб етишишлари йўлида турли тадбирлар ва кўрик-танловларни мунтазам равишда ўтказиб келмоқда. Ана шундай мусобақалардан бири жамғарманинг Ангрен шаҳар бўлими томонидан ташкил этилди.

"Соғлом авлод, соғлом келажак" шиори остида ўтказилган мусобақага пухта тайёргарлик кўрилганлиги, иштирокчилар учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги, мутахассислардан ташкил топган ҳайъат аъзолари томонидан ёшларнинг имконият ва қобилиятлари одилона баҳоланиши барча қатнашчилар ва томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Мусобақа сўнгида энг яхши кўрсаткичларга эришган талабалар А. Ҳунаров, И. Тўраев, И. Хўжабоев, М. Тинисовларга "Камолот" жамғармаси томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Жўра МАҲМУДОВ.

Темир йўлдаги ҳодисалар

ҚОНУН УСТУНМИ ЁКИ МАНСАБ

ҚОНУН устуворлигига эришиш Республикамиз Президенти олға сурган тамойиллардан биридир. Хўш, жойларда бу тамойилга қандай ёндошиляпти? Шу муносабат билан Транспорт Ички ишлар бошқармасининг коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари Бекобод бекатидаги темир йўл чипталарини сотиш кассаларида текширув ишларини олиб бориш-ганда бекатдаги чипта сотувчилар — Бекобод туманининг "Хос" жамоа хўжалигида яшовчи ҳамқишлоқлар — 1966 йилда туғилган А. Ҳамидулла ва 1965 йилда туғилган Д. Ҳасанлар ўзлаштириш йўли билан давлатнинг 60 минг сўм пулини талон-тарож қилиб юборганликлари аниқланди.

Энди терговчилар уларга қонун устунми ёки, мансаб, шуни тушунтириб беришади.

ХОҲЛАСАМ ТЎЛАЙМАН

ТОШКЕНТ транспорт прокуратураси ва Тошкент шоҳбекати тармоқ Ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан 1998 йил 14 январь куни 85-сонли Тошкент — Москва йўловчилар поездини кузатиш вақтида ўтказилган текширувда 5-вагон кузатувчиси, 1959 йилда туғилган Маъруф Умаров хизмат вазифасидан фойдаланиб, вагонга 1190 килограмм миқдоридаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини Оренбург бекатигача ҳеч қандай тўловларсиз олиб кетаётганлиги аниқланди.

У йўловчилар вагонини шахсий омборхонага айлантириб олган кўринади. Чунки хоҳласам тўлайман, деган қабилида ўзини тутаётганлиги учун энди қонуний тарзда жавобгарликка тортилиб, жарима тўлайди.

«ОЛТИН ДАВР»НИНГ «ҚУРБОНИ»

ТАЛАБАЛИК олтин даврим, деб бежиз айтишмаган. Ёшликнинг энг гуллаган даври шу вақтга тўғри келади. Талабалар бу даврда ўзларининг сермазмун саргузаштларга бой воқеаларини бир умрга эсда сақлаб қоладилар. Аммо, Ангрендаги Педагогика институтининг 1-босқич талабаси, Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ тумани "Ҳақиқат" қишлоғи ҳудудида яшовчи, 1976 йилда туғилган А. Жаҳонгир ўз даврининг "қурбони" бўлди. У 1998 йил 19 январь куни Тошкентдаги Сирғали темир йўл бекатида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан шубҳа билан тўхтатилганда ёнидан 6,2 грамм миқдорида гашиш гиёҳвандлик моддаси топилди ва мусодара этилди.

Ҳозирда терговчилар талабанинг таассуротларга бой кечмишларини марок билан тинглаяптилар.

Ҳакимжон ЮНУСОВ, Милиция капитани, транспорт ИИБ ходими.

Об-ҳаво

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабарига кўра 144-18 февраль кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳавонинг ўзгарувчан келиши кутилмоқда. Вақти-вақти билан ёмғир ва қор ёғиб туради.

Ҳарорат кечалари 0-5 даража совуқликдан 0-5 даража илиқликка, кундуз кунлари эса 0-5 дан 5-10 даража илиқликкача кўтарилади.

NAGANO 1998

НАГАНО ОЛИМПИАДАСИ ЖАҲОН НИГОҲИДА

ШУ КУНЛАРДА Японияниг Нагано шаҳри яқинида давом этаётган XVIII қишки Олимпиада ўйинлари жаҳон спорт жамоатчилигининг диққат эътиборида турибди. Бу ердан келаётган сўнгги маълумотларга кўра эркаклар ўртасида слалом ва аёллар ўртасида биатлон турлари бўйича медаль эгалари маълум бўлди. Хоккейчилар баҳсида Қозоғистон вакиллари Словакия, Италия ва Австрия жамоалари билан бир гуруҳда беллашиб, уч учрашувнинг иккитасида ғолиб келиб, битта-сини дуранг қилиб, пешқадамлик қилишаётганлиги катта шов-шувга сабаб бўляпти.

Нагано Олимпиадаси баҳсларида 72 мамлакатдан келган 2339 спортчи қатнашмоқда. Ўзбекистон спорт жамоасини беш киши ташкил этганлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Республика миллий Олимпия қўмитасидан хабар беришларича, музда нафис учиш баҳсларида Осиёнинг собиқ чемпиони Татьяна Малинина ва Роман Скорняков бугун мусобақага чиқадилар. Лиллехамер Олимпиадасининг ғолиби Лина Черязова ҳамда Сергей Бренерлар 16-18 февраль кунлари мусобақага қўшилишади. Бешинчи вакилимиз Комил Ўримбоевнинг чиқиши келаси ҳафтага режалаштирилган.

ДАВОН ОШИШДИ

ШОХМОТ бўйича аёллар ўртасида пойтахт биринчилиги ниҳоясига етди. 9 имкониятдан 8 тадан очко тўплаган Лида Захарова ва Ирина Борковская-лар биринчи-иккинчи ўринни бўлиб олишди. Илвина Куртеева етти очко тўплаб, учинчи бўлди. Бу уч шохмотчи республика биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

* * *

РЕСПУБЛИКА шохмот-шашка клубида эркаклар ва аёллар ўртасида Узбекистон биринчилиги давом этмоқда.

Эркаклар баҳсида И. Каримов, аёллар беллашувида И. Тошмуродовалар 5,5 тадан очко билан пешқадамлик қилишмоқда. Вилоятимиз вакиллари — чирчиқлик Р. Кагиров ва Е. Роговалар ҳам 4,5 тадан очко билан пешқадамлар сафидан жой олишиб турибди.

"АРМОН"ЛИ "САЙЁД", "ШУҲРАТ"СИЗ "ЧАҚҚОН"

БОР ЭКАН-ДА, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, деганларидек, жаннатмакон, ажойиб бир минтақада Илҳом Шоисипов, Рустам Машрабов, Ҳасан Жўраев деган уч баҳодир йигит балоғатга етган экан. Улар бахтли бўлишни, ёрдўстлари орасида обрў қозонишни, орзу-ҳаваларининг амалга ошишини жуда-жуда исташар экан. Тақдир уларни ўзининг адолатли синовидан ўтказиш мақсадида ғойибона алфозда бир ерга йиғибди-да, "Энди сизлар оға-ини тутиндинглар, нима иш қилишни, қандай касб билан шуғулланишни истайсизлар" дебди. Йигитлар "Тадбиркор бўлмоқчимиз, бунинг учун бизнинг мамлакатимизда исталган имкониятлар мавжуд" дейишибди. "Лекин, бир шартимиз бор, қаторимизга бир аёл зотидан вакила аралашса, кўнгилдагидек бўларди" деб қўшиб қўйишибди. "Айтганларингиз ижобат бўлгай!".

Бу сўзлар янграши биланоқ, улар қаршисида кўҳликкина бир жувон пайдо бўлибди-да, "Қолдиқиз Саидхўжаева, бирингизга опаман, бирингизга сингилман" деб ўзини таништирибди. Шундан сўнг улар келажакдаги касбларининг сир-асрорларини муҳокама қила бошлабдилар. Маслаҳатлашувдан сўнг улар сардори Илҳом "Ҳаммамиз бир ерда бўлсак, иш юришмайди, турли туман ва шаҳарларга равона бўлайлик" деган таклифни киритибди. Ҳамма рози бўлиб, ташқари чиқишибди. Алқисса, йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, катта бир чорраҳага етиб келишибди. Бундоқ қарашса, йўл тўрт томонга айрилган, ҳар бирининг бошида аллақандай ёзувлар битилган эмиш. Ўқишса: "Ошириш", "Тошириш", "Яшириш", "Шошириш" деб ёзилган экан. Тўртовлоннинг ҳар бири ўзига маъқул йўналишни белгилабди. Илҳом "Шошириш"ни, Қолдиқиз "Ошириш"ни, Рустам "Тошириш"ни, Ҳасан "Яшириш"ни танлабди.

Илҳом пиёда юрибди, сўнг зиёда юрибди, машиналарга минибди, поездларга тушибди. Қараса, Чирчиқ деган шаҳарда пайдо бўлиб қолибди. Унинг табиатида ҳовлиқиш шўхуҳи борлиги, "Шошириш" деган ёзувни танлаганлиги бежиз эмас экан шекилли, дарҳол ишга шўнғиб кетиб, бировга ака, бировга ука тутиниб, "Чаққон" деган тижорат идораси ташкил этди. Бошида иш сустроқ кўчди, кейин равонлашди. Бир маҳал омад "тулпори" уни олиб қочди. У ўзини йўқотди. Қинғир-қийшиқлик, нопок қилмишлар, ёлғон-яшиқ, алдам-қалдамлик, фирибгарлик "илми"ни ўзлаштиришга киришди. Босар-тусарини билмади. Буни қарангки, 1997 йил келганини ҳам сезмай қолибди. "Текшириш" деган амалиёт борлигини унутворган экан чоғи, давлат солиқ идорасининг нозирлари келганда Илҳом ҳайронликдан ёқа ушлади. Текширув, суриштирув, савол-жавоблар бир неча кун давом этди.

Охири ишнинг пачаваси чиққанлиги маълум бўлди. "Жаноби директор"нинг кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас, 2 миллион 135 минг 232 сўм миқдордаги фойда даромадни беркитганлиги, рақамларни камайтириб ёзганлиги, шунингдек, банкка тушадиган чет эл валюталарини қасддан яширганлиги ошкор бўлди. Охир-оқибат жиноий иш қўзғатилди.

Бошқа "қаҳрамонлар"нинг қисмати нима бўлди, деб сўрарсиз. Улар чорраҳада ажралишганларидан сўнг Рустам Бўстонлиқ туманига, Ҳасан Бўка туманига, Қолдиқиз Қуйичирчиқ туманига бориб қолишган экан.

Эртак — фельетон

Ўзининг "жигаргўшалари"дан аҳён-аҳёнда бўлса ҳам маълумотлар олиб турган Қолдиқиз уларнинг иши гуркираб кетганлигидан бохабар бўлиб, ҳасадгўйлиги қўзғади, нафсонияти жунбушга келди. "Нима, мен улардан камманми", деб у ҳам тезда бойиб кетиш, қинғир қилмиш орқали катта пул орттириш талвасасига йўғрилди. Туманнинг Дўстобод шаҳарчасидаги "Шуҳрат" шахсий корхонасида тижорат қонун-қоидаларини буза бошлади. Чунки, "ўзи хон, қўланкаси майдон" бўлган корхона раҳбарининг қўли анча дароз бўлиб қолган эди-да... Қалтис йўлнинг ҳадисини олволиш осон кўчмайди. Қ. Саидхўжаева корхонаси солиқчилар "элак-элаги"га тушади. Раҳбар тегирмондан бутун чиқишга ҳаракат қилди. Омад чопмади. Натижада, "Шуҳрат" корхонаси томонидан анчагина қонунбузарликлар қилинганлиги, ўтган йил мобайнида фойда солиғи ҳисоботини туман солиқ идорасига топширмагани, 404 минг 995 сўм солиқ тўланадиган манзилгоҳни ҳуфёна тутганлиги, давлат солиқларини тўлашдан атайин бўйин товлаб келганлигига доир сир-синоатлар фош бўлди. Қолдиқиз ҳам Илҳом йўлиққан "тузоқ" чангалида патиллаб қолди. 1997 йил майида унинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

Бошида тақдирнинг қилган эзгу ниятларини паққос унутган Рустам Машрабов ва Ҳасан Жўраевларнинг ҳам пешоналари ялтирамади. Чунки, ҳаромдан ҳазар қилмаган одамнинг ҳаёти оғуга айланади. Ёмон қилиқ одатга айлангач, кишини фалаж қилади. Рустам ўзи очган Бўстонлиқ туманидаги кичик корхонанинг номини бекорга "Армон" деб қўймаган экан. "Армон"да армонлар ушалмади, у фақат ўзининг чўнтагини кўзлади. Қатор корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларининг фойда келтирадиган нишобини ўзига қаратди. Ҳисобот ва баланслар ҳужжатларини эламай қўйди. Давлат бюджетига тўланадиган фойда, қўшимча қиймат, транспорт, ишчи-хизматчилардан ундириладиган даромад солиқларини атайлаб яширди. Натижада, улар 1995 йилда 56 минг 355 сўмни, 1996 йилда 252 минг 450 сўмни, жами 408 минг 805 сўмни ташкил этди. 1997 йил якунларида ҳам ана шундай пала-партишликлар содир этилди. Мазкур рақамларни солиқчилар "сув бети"га чиқардилар. Бу воқеа ҳам жиноий иш қўзғатишга бориб тақалди.

Ҳасан Жўраев-чи?! У ўзининг Бўка туманидаги кичик корхонасини "Сайёд" деб атаган экан. Сайёд маъноси овчи демакдир. Аммо, ғирром овчининг ови бароридан келмади. У давлатга тўламайман, деб бекитган 287 минг 800 сўм эгасига вафо қилмади. Бунга солиқчилар «ҳисса» қўшдилар.

Одатан эртакларда қиссадан ҳисса чиқарилади. Бизнинг айтадиган гапларимизни, сиз муҳтарам газетхон, дилдан сезиб турибсиз. Ягона фикр шуки, қинғир қилмиш ҳеч кимга яхшилик келтирмаган. Ҳар бир ўйиннинг ўз ғолиби бор, дейдилар. Айни ҳолатда қонун ҳақиқати, адолат, тўғрилик, ҳалоллик дастининг устувор бўлганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Тадбиркор деган муқаддас касб-корга қўл урган инсонларнинг юқоридаги қонунбузарликлардан тўғри хулоса чиқариб олишларига ишонамиз.

ВИЛОЯТ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ.

Огоҳ бўлинг!

ЙИЛНИНГ НОХУШ ЯКУНИ

ЎТГАН йили вилоятимизда содир бўлган ёнғинлар маълумотини кўриб, афсусланиб кетасан, киши. Гарчанд вилоят ички ишлар бошқармасининг ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходимлари бу борада фуқаролар билан бевосита мулоқотлар, радио, телевидение ва газеталар орқали мунтазам суҳбатлар уюштириб, тушунтириш ишлари олиб бораётган бўлсалар-да, кўнгилсиз воқеалар содир бўлиши камаймаяпти. Аниқроғи жойларда бунга етарли даражада аҳамият берилмаяпти. 1997 йил мобайнида ўт балосидан 35 киши ҳалок бўлди, 194 киши ҳар хил тан жароҳатлари олди, 26 минг квадрат метр майдондаги иморатлар яроқсиз ҳолга келди. 61 та қорамол ўлди. Моддий зарар эса 32 миллион сўмдан ошиб кетди.

Агар эҳтиёт чоралари кўрилганда бундай фожеалар олди олинган бўлармиди?.. Ёнғин оқибатларини чуқур таҳлил этадиган бўлсак, 784 та (29,9 фоиз) ёнғин болаларнинг олов ўйнаши оқибатида, 1164 таси (43,7 фоиз) электр ёки газ ускуналарининг носозлиги ва уларни ишлатишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаганлик натижасида ва 640 та (24,0 фоиз) ҳолат эса оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш сабабли рўй берганлигининг гувоҳи бўламиз.

1997 йил мобайнида содир бўлган 2662 та ёнғиннинг 50,4 фоизи, яъни 1343 таси фуқароларнинг турар жойларига тўғри келди. Айниқса, Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари, Бекобод, Зангиота, Қибрай, Чиноз ва Янгийўл туманларидаги ёнғинлар бир неча нафар инсонлар ҳаётига зомин бўлди.

Пиру бадавлат отахон-онахонларимиз ҳамиша қўл очиб, юртимиз тинч, оилаларимиз фаровон, дастурхонимиз тўкин-сочин бўлсин, ўт балоси-ю, сув балосидан ўзинг асра, дея дуо қиладилар. Бу бежиз эмас. Чунки, ёнғин инсон бошига оғир мусибатлар, кулфатлар солади. Шундай экан, ёнғин хавфсизлигига ҳар дақиқа эътиборли бўлайлик. Уйда ёхуд иш жойида бўлсин, доимо эҳтиёт чораларини кўрайлик.

Фахриддин АБДУМАВЛОНОВ, Вилоят ИИБ ЁСБ муҳандиси, ички хизмат катта лейтенанти.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг навбатдаги сони 21 февралда чиқади.

БУЮРИШ СИЗДАН, ХИЗМАТ БИЗДАН!

Тошкент вилояти шаҳар ва туманлари ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига.

"Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмасининг Тошкент вилояти бўлими шу йилнинг 15 февралигача жойларда "НАВРЎЗ" тантаналарини комплекс ташкил этиш ёки бадиий жамоалар ҳамда яккахон хонандалар билан таъминлашга буюртмалар қабул қилади.

Буюртмаларга ҳақ тўлаш келишилган ҳолда амалга оширилади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 64-84-93, 64-83-43

Манзилимиз: Қибрай тумани, Дўрмон қишлоғи, Марказий кўча, 85 уй.

Шайхонтохур туманиданги «Сиротал мустақил» хусусий корхонаси **ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Тел.45-82-63.

Р. Р. Шредер номли боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти жамоаси институтнинг Тоғ боғдорчилиги ва узумчилиги филиали директори А. Х. Қодировга волидаи муҳтарамаси **Кумри ая КОДИРОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48* *Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.*

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0971. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 16.167 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6